Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 16 (6. 805) 1989 йил 19 январь, пайшанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

● Совет космонавтикаси тарихида биринчи марта учувчи бошқарадиган «Мир» комплексида бир йил давомида орбитал парвоз амалга оширилди. Шу вақт ичида астрофизик, геофизик ва медицина тадқиқотларининг технология ва биотехнология экспериментларининг кенг программаси бажарилди. Учиш давомида олинган натижалар жуда катта илмий қимматга эга бўлиб, мамлакатимизда халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилади. Совет — Франция экспедицияси программаси доирасида кўп сонли тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 17 январь куни Кремлда жасур космонавтларга СССР давлат мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш маросими ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● «Бирлашган ўзар» сарлавҳаси остида 17 январь куни Ереванда бўлиб ўтган Арманистон ССР партия-хўжалик активининг йиғилиши ҳақида ҳисобот берилган.

● «А. А. Жданов хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий актларни бекор қилиш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарори эълон қилинган.

● «Правда» газетасининг учинчи саҳифасидаги «Қонун ҳимоя қилиши шарт» сарлавҳали мақолада газета мухбири А. Черненко СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин билан ҳуқуқ-тартибот механизми ҳақида суҳбатлашади.

● «Ижарачини ҳимоя қилиш керак» — «Известия» газетасининг биринчи саҳифасидаги шу куннинг мавзуига бағишланган мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

Долзарб мавзу

Капитал қурилишига — муҳим эътибор

Шаҳримизда капитал қурилиш миқёслари жуда катта. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида марказлашган капитал маблағлар ҳисобига шаҳарда бир неча юз миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Аммо булар мўлжалдагидан анча кам. Капитал қурилишда жиддий орқада қолишларга барҳам бериш керак.

Агар таҳлилни районлардан бошласак, шу нарса яққол сезиладики, баъзи районларда ҳатто шаҳар бўйича эришилган кўрсаткичлардан ҳам паст натижалар қайд этилган. Масалан, Собир Раҳимов районини олиб кўрайлик. Бу ерда капитал қурилиши ўлдажўлда ётибди. Ёки Куйбишев ва Киров районларидаги аҳвол ҳам ўтган йили бизни қувонтирмади.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида планлаштирилган фондлардан — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ихтиёридаги объект, Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг махсус босмахона дирекцияси, ядро физикаси объектларида орқада қолишларга йўл қўйилди. Шу ойда «Ташплодоовошч» бирлашмасининг фақат биргина 1500 тонна сабзавот ва мева сақлаш омборхонаси фойдаланишга топширилди, холос.

Давлатимиз томонидан ажратилган марказлашган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмаётгани ачинарли ҳолдир. Чунончи кейинги ойларда саксон процентдан сал ошириб адо этилди, холос.

Қурилиш-монтаж ишларининг аҳволи ҳам биз кутган даражада эмас.

Буни биронта район ҳам капитал маблағ ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича берилган тапшириқларни кўнгилдагидек бажара олмаётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Айниқса яна Собир Раҳимов райони мисолида олиб кўрадиган бўлсак, бу район яқин-яқингача шаҳардаги барча районлар ортида судралиб келди. Бу эса район қурилиш органлари капитал қурилиш ва қурилиш-монтаж ишлари билан етарли шуғулланмаётганидан далолат эмасми?

Ҳатто шаҳар бўйича шундай ҳоллар ҳам рўй беряптики, ой сайин ажратилган капитал маблағларни кўпроқ ўзлаштириб бориш ўрнига аксинча камайиб кетяпти. Ўтган йилнинг октябрь ойига нисбатан ноябрь ойида ана шундай пасайиш ҳолатлари яққол кўриниб қолди.

Ҳаво очиқ ва яхши келган куз шароитида қурувчилар қулай имкониятларни бой бериб қўйдиларки, бу билан асло муроса қилиш мумкин эмас. Айниқса Куйбишев ва Чилонзор районларида капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича берилган топшириқларни адо этолмаган ташкилотлар сони бошқа районларга нисбатан кейинги ойларда кўпроқ бўлди.

Чинни заводида, қуёш тўсқич мосламалар заводида, «Таштрам» объектларида, политехника институтида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ва бошқа кўпгина жойларда бу борадаги аҳвол қаноатланарли эмас. Ҳолбуки, лоақал чинни заводини олиб кўрсак, халқимизнининг чинни буюмларга бўлган талаб-эҳтиёжларини кўра била туриб, бундай сусткашликка йўл қўйилганини қандай баҳолаш мумкин? Бинокорлик материаллари комбинатида, авиация техникуми қурилишида ҳам худди шундай ҳолни кўрдик.

Капитал қурилиши — халқ хўжалигини ривожлантириш, социал-иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги барпо этилаётган объектлар эртанги янги-янги халқ хўжалиги иншоотларидир. Уларсиз беш йиллик планларини тўла-тўкис бажариш мумкин эмас. Аммо бугунги кунда шаҳримизда барпо этилаётган машинасозлик, химия, ўрмон, металлургия, агросаноат комплекслари ва енгил саноат объектлари қурилиши анча сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъбир жоиз бўлса, «Ташгорстрой» бирлашмасининг янги усулларни жорий қилишга эътиборни қаратиб, янги ишлар қилаётганликларини ҳам таъкидламоқчимиз. Масалан, барча қурилиш трестлари ва уйсозлик комбинатларининг коллективлари пудрат усулига ўтиб ишлаётганига келгуси ойда роппа-роса бир йил бўлади. Дастлаб у яхши самаралар бера бошлаганини илгари таъкидлаб ўтган эдик. Сўнгги иш натижасига қараб меҳнат коллективларини рағбатлантириш ва илғор қурувчиларни индивидуал рағбатлантириш йўллари ишлаб чиқилиб, амалга ошириб борилмоқда.

Ҳозир шаҳримизда 80 дан ортиқ қурилиш ташкилоти тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитларида иш олиб бормоқда. Аммо бу ҳали кам. Қурилиш соҳасида янгиликлар дадил жорий этилмас экан, катта мақсадларга эришиб бўлмайди. Буни бугунги кунда қурилиш ташкилотларининг мутасадди раҳбарлари ва мутахассислари чуқур тушуниб етиши лозим.

Умуман, шаҳар қурилиш ташкилотлари фаолиятини таҳлил этиб шундай хулосага келиш мумкин: ўтган йили озми-кўпми улар фаолиятида ижобий силжишлар рўй берди. Масалан, 1987 йилга таққослаганимизда ўтган йили меҳнат унумдорлиги 9,5 процент ўсди. Қурилиш-монтаж ишларида машғул бўлган ходимлар сонини қисқартирган бир шароитда шундай силжишга эришилгани яхши, албатта. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ўсишига эса меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Натижада қурувчиларнинг ойлик маошлари ҳам сезиларли даражада ошди.

1989 йил — ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили. Беш йиллик якунланишига икки йил вақт қолди. Ўтган йили ва кейинги ойларда йўл қўйилган (юқорида тилга олиб ўтилган камчиликлар) қарздорликка чек қўйиш, бой берилган қимматли вақтлар ўрнини бу йил тўлдириш, бунинг учун йил бошиданоқ ишларни жадаллаштириш тадбирларини зудлик билан ишлаб чиқиш зарур.

Ҳ. ИКРОМОВ.

⊙ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг етакчи мутахассиси, филология фанлари доктори, профессор Матёқуб ҚУШЖОНОВ неваралари Камола ва Жасур билан.

⊙ Олим билан суҳбатни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

Замондошимиз



Р. Шарипов фотоси.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Кун тартибидаги масала

117-Тошкент-Октябрь миллий-территориал сайлов округи комиссиясининг секретари Ҳаёт Мақсудова тиним билмайди. У гоҳ тез-тез жиринглаётган телефон трубкасини кўтаради, гоҳ ташриф буюрувчиларнинг саволларига жавоб беради. Бўш қолди дегунча ташкилий ишлар билан шуғулланади.

— Биласизми, бугун сайлов кампаниясига тайёргарликнинг бориши ҳақида йиғилиш ўтказишимиз керак. Комиссия олдида биринчи бўлиб мен ҳисобот бераман. Шунга тайёргарлик кўришим керак. Лекин вақт етмаяпти.

Бунинг устига сайлов округи комиссияси раиси Адҳам Миржалолов, унинг ўринбосари Игорь Владимирович Кудрявцевлар ҳам бир қанча иш буюриб кетишган. Уларни бажаришим керак.

Чиндан ҳам сайлов тайёргарлиги айни кунларда қизғин паллага кирди. Жойларда участка сайлов комиссиялари тузиляпти. Уларга раис ва секретарлар сайланяпти. Округ сайлов комиссиясининг 17 аъзоси ўзларига қарашли территорияда жойлашган корхона, муассаса, ташкилот ва турар жойларда сайлов участкаларини ташкил этиш билан овора.

— Шу кунларда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳам қизғин бормоқда. Районимиз меҳнаткашлари ўзларининг энг ажойиб ўғил-қизларининг номзодларини депутатликка кўрсатишмоқда, — дейди бизга Ҳ. Мақсудова.

Комиссия хонасига ўрта ёшлардаги бир аёл кириб келди.

— Мен бадиий буюмлар фабрикасида ишлайман. Отим Вазира. Фамилиям Саидова. Сизлардан бир масала хусусида консультация олмоқчийдим.

— Марҳамат, сўранг.

— Биласизми, 7 бола билан уч хонали квартирада яшаймиз. Шароитимиз оғир. Шунга бирор ёрдам берармиксизлар деб келувдим.

— Адресингизни бериб кетинг. Ҳали комиссиямиз аъзолари тўпланишади. Улардан бирига сизнинг шикоятингизни айтамиз. Бориб текшириб келади.

Аёл миннатдор бўлиб хонадан чиқди. Ундан кейин суҳбатга кирганлар янги депутатнинг кимлиги билан қизиқишди.

— Уни ўзларингиз сайлайсизлар. Ҳозир номзодлар кўрсатиляпти. Улардан ким депутатимиз бўлиб сайланиши эса район меҳнаткашларининг хоҳишига боғлиқ, — деди Ҳ. Мақсудова кулиб.

Хонага бирин-кетин комиссия аъзолари кириб келишди. Секретарь уларни биз билан таништиради. Комиссия раиси ва унинг ўринбосари келгач, ҳамма жой-жойига ўтирди. Кун тартибидаги масала муҳокамаси бошланди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Юксак ишонч

Тошкент чарм-галантерия ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиш цехида Клара Носировна Рустамова иштиёқ ва зўр ғайрат билан меҳнат қилади. Смена охиригача у одатда нормани бир ярим баравар ортиғи билан бажаради. Ишдан сўнг эса у Октябрь район Совети депутатининг вазифасини ҳам зўр масъулият билан адо этади. Унинг бевосита иштирокида бирлашмада меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг маиший шароити анча яхшиланди, корхонанинг дам олиш зонаси барпо этилмоқда.

Бирлашма ишчиси А. Каримов коллективнинг сайловолди йиғилишида Клара Носировнанинг меҳнатдаги ва жамоат ишларидаги активлиги ҳақида гапириб берди. У К. Н. Рустамовани СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Бу таклифни ишчи Ш. Солиев, инженер Ш. Абдуллаева, сўзга чиққан бошқа кишилар қўллаб-қувватладилар. Йиғилиш қарорига мувофиқ Клара Носировна Рустамова 596-Тошкент — Акмал Икромов территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг Марказий ҳаво йўллари агентлигида бошқарувнинг «Сирена-2» автомат системасини монтаж қилиш ниҳоясига етказилмоқда.

Бошқарувнинг автомат системаси пассажирларни самолётлардаги мавжуд бўш ўринлар ҳақида объектив хабардор қилиш, авиабилетларни расмийлаштириш сифатини яхшилаш имконини беради.

СУРАТДА: электрончи-инженерлар бошқарувнинг «Сирена-2» автомат системаси марказий қайта ишлаш қурилмаси ишини таҳлил қилишяпти.

Ф. Қурбонбоев фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

ОЙБЕК ХОТИРАСИ

Тошкентда ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаси туғилган кунга бағишланган адабий кечалар бўлиб ўтди. Адибнинг уй-музейида ўтказилган ижодий кечада уни яхши билган адабиётшунослар, олимлар ўз хотираларини ўртоқлашдилар.

Филолог олим, Беруний номли Давлат мукофотининг лауреати, ёзувчи асарлари тўла тўпламини нашр этишда бевосита қатнашган Наим Каримов Ойбек ижодий меросини ўрганиш соҳасида ўзи олиб бораётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Ёзувчи Носир Фозилов кўп миллатли совет адабиётини ривожлантиришга Ойбек қўшган ҳисса ҳамда унинг рус ва чет эл классик намояндалари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш соҳасида олиб борган ишлари тўғрисида сўзлаб берди.

— Классик адабиётни аҳоли кенг табақалари орасида оммалаштиришга Ойбек ғоят катта ҳисса қўшди. Ўзбек китобхонлари унинг тинимсиз таржима фаолияти туфайли Пушкиннинг «Евгений Онегин» поэмасини, Гётенинг «Фауст», Лермонтовнинг «Маскарад» асарларини, Белинский ва Горький ижодидан намуналарни илк бор ўз она тилида ўқишга муваффақ бўлдилар, — деди филология фанлари доктори Малик Муродов.

Кечада Ойбекнинг энг машҳур асарлари — «Ҳамза» поэмаси, «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларидан парчалар кўрсатилди. Уларни Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг студентлари ижро этдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Қулай ва чиройли

⊙ Мамлакатимизнинг турли автомобиль корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ҳар хил маркадаги транспорт воситалари олдиндан белгиланган план асосида шаҳримизга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Бири-биридан қулай, чиройли автобус ва такси машиналари шулар жумласидандир.

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси ўтган йили «ЛАЗ—695 М» маркали автобуслардан 130 та, «ЛиАЗ—677» маркали машиналардан 50 та, «Икарус—360», «Икарус—280» маркали қулай автобуслардан — 48 та, «РАФ—2203» маркали маршрут таксилардан 33 та ва газ билан юрадиган «Волга—2417» таксисидан 538 та олди.

Янги йилда автобусларнинг ҳар хил маркасидан 347 та, «Волга» енгил машиналаридан 684 та олиш кўзда тутилган.

Адабий-музикали кеча

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР — ҲАЁТИМИЗ КУРКИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг комсомол-ёшлари куни кеча барча тўқимачиларни тўқимачилар техник ва маданият саройига таклиф этиб, театрлаштирилган томошаларини намойиш этдилар.

«Комсомол — бу ёшлик, мардлик ва яратиш!» — ВЛКСМнинг шарафли йўли ва қаҳрамонона фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи театрлаштирилган адабий-музикали композицияни комсомоллар ана шундай сўзлар билан бошладилар.

Бадиий ҳаваскорлик коллективи орасида комбинат комсомол комитети секретарининг ўринбосари М. Авадуллаева, фабрика комсомол комитетининг секретари И. Ушуров, М. Худойберганова, Г. Иброҳимова, К. Йўлдошев, Э. Дударева, Р. Ҳасанов ва И. Соҳибовларни кўриш кувончли ҳол эди. Уларнинг «Поэзия» халқ театри қатнашчилари Н. Шарапина, Ю. Фисан, И. Ҳабибулина ва А. Ларухиналар билан чиқишларини томошабинлар катта олқишлар билан кутиб олдилар.

Тантаналарда шунингдек, уруш ва меҳнат ветеранлари, биринчи стахановчилар, тўқимачилик комбинатининг дастлабки комсомоллари — Т. Кирпиченко, Б. Болтабоева, Т. Митус, О. Мажидова ва В. Пидиновалар иштирок этиб, ёшлик йиллари, ўзлари амалга оширган комсомол ишлари ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар.

Ф. ҲУСАНОВА.

Сўнгги соатда

● БУДАПЕШТ. Бу ерда Венгрия Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугаллади. Унинг қатнашчилари Ёшлар Союзи янги Уставининг лойиҳасини қабул қилдилар. Лойиҳа комсомол ташкилотларида муҳокама қилинган. ВКСМнинг 21 апрель куни Будапешт шаҳрида очиладиган XII съезди делегатларининг кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Пленумда комсомол ва Венгрия пионерлари союзида моддий маблағни тежаш юзасидан қарорлар қабул қилинди. Унда хусусан фақат комсомол иши билан шуғулланувчи ходимлар сонини анчагина қисқартириш мўлжалланган. ВКСМ Марказий Комитети ходимларининг сони икки баравар камаяди.

Пленумда ташкилий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

● ПАРИЖ. Мактабда математикани ўқитиш зарур, аммо у кўп ҳолларда ўқувчиларнинг умумий ўзлаштиришини баҳолашда ҳал қилувчи предмет бўлиб қолаяпти. Мамлакатдаги бир қанча ўқитувчилар уюшмалари ва математика жамиятларининг талаби билан Франциядаги 50та лицей ўқувчилари орасида ўтказилган сўров натижалари ана шундай. Сўровни ўтказган кишилар бу предметга ўқувчиларнинг муносабати ва шундан келиб чиқиб, уларнинг фикрича, мактаб программасида у қандай ўрин эгаллаши лозимлигини аниқлашга интилдилар. Шу социологик тадқиқотни ўтказиш фикри 1987 йилнинг охирида мамлакатдаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири — политехника мактаби 2000 йилгача Францияда математиклар тайёрлаш муаммолари юзасидан коллоквиум уюштирганидан сўнг пайдо бўлган эди.

Франция лицейларининг юқори синф ўқувчилари математика ҳақида қандай фикрда? Сўровда қатнашганларнинг жуда кўпчилиги — 88 фоизи бу предметни таълим учун жуда зарур, деб ҳисоблашларини таъкидлашди. Уларнинг 82 фоизи эса бу мураккаб фан факультатив тарзда ўтилади, деб эълон қилинган тақдирда ҳам математика дарсларига қатнашга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Бироқ, шу билан бирга француз болалари ўқитувчилар кўп ҳолларда у ёки бу ўқувчининг ўзлаштиришини айни математика соҳасидаги ютуқ ва камчиликларига қараб баҳолашларини нотўғри деб ҳисобламоқдалар. Сўровда қатнашганларнинг 71 фоизи шундай фикр билдирди, шу билан бирга ўқувчиларнинг 42 фоизи мактаб программасида математикага ҳаддан ортиқ эътибор берилаяпти, деган фикрда. Уларнинг кўпчилиги тенглама ва масалаларни ечиш жуда қийин иш, математика дарслари эса улар учун оғир синов эканлигидан шикоят қилишаяпти.

Лицейдаги ўқиш охирига келиб, бу предметни ўзлаштира олмаётганлар сони камайишига қарамай, қониқмаслик, катта куч-ғайрат сарфлаган билан шунга яраша натижага эришиш қийинлиги ҳисси ўқувчилар кайфиятида, айниқса, қиз болалар орасида устунлик қилиб турибди. Шуни айтиш керакки, бошқа предметлар ҳисобига ҳар бир масала устида соатлаб қийналиб ўтириш зарурлигига ҳатто аниқ фанларни ўқитишга ихтисослашган лицейларда ҳам аксарият кўп ўқувчилар ишонмаяпти.

● ЛИМА. Перу пойтахтининг беш мингдан зиёд ёш аҳолиси бошпанасиз бўлиб, улар дарбадарликка маҳкум. Уларнинг кўпчилиги учун гадойлик ва... фоҳишабозлик кун кўришнинг бирдан-бир воситаси бўлиб қолаяпти. Аёллар ва болаларга ёрдам миллий кенгаши шундай фактларни келтириб, сўнгги йилларда қаровсиз болалар сони анча кўпайганлигини ташвиш билан хабар қилди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар тобора кўпроқ жинояткорона бизнес корчалонлари ва биринчи галда наркотик моддалар савдогарлари ҳамда сутенёрларнинг қурбони бўлишмоқда.

Лимадаги ёш қаровсиз болаларнинг, деб таъкидланди миллий кенгашда, бир неча сўз билан ифодалаб бериш мумкин: бирор егулик ва тунаш учун жой излаш. Аслини олганда, ҳамма улардан жуда ёшлигидаёқ воз кечган, улар мунтазам таҳқирлашга ва хавф-хатарларга дуч келадилар.

● ГВАТЕМАЛА. Болалар савдоси асосий ва даромадли «нолегал экспорт моддалари»дан бири бўлиб қолмоқда, деди болалар ҳимояси миллий конгресси комиссиясининг раиси Марио Тарасена. Унинг айтишича, яхши йўлга қўйилган бу даҳшатли бизнес ишбилармонларга ҳар йили 20 миллион доллардан зиёд фойда келтираяпти.

Унинг Гватемалада пайдо бўлиши ҳарбий режимлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги 28 йил ичида ҳарбийларнинг аҳолига қарши оммавий репрессиялари, шунингдек, ўта ўнг ташкилотларнинг террористик акциялари туфайли мамлакатда 100 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди, 40 минг киши «бедарак йўқолди». Оқибатда 200 мингдан ортиқ бола етим қолди. Айни ана шуларнинг кўпчилиги чет элларга болаларни сотиш билан шуғулланувчи жиноятчиларнинг қурбони бўлди.

Чуқур илдиз отган бу бизнес унинг олдини олиш учун ҳозирги граждан ҳукумати кўраётган чораларга қарамай, шу кунларда ҳам авж олаяпти. Ўтган йилнинг ўзидаёқ, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, олтита махфий квартира фош қилинди, бу ерда 20 дан зиёд ўғирланган ёки қашшоқ оилалардан сотиб олинган болалар бор эди. Бу болаларнинг ёши ўн бир кундан олти ойгача бўлиб, жиноятчилар уларни чет элга жўнатишни режалаштирган эдилар.

(ТАСС).

«Оқшом»га хатлар

Дилдан миннатдормиз

Мен кўп йиллар давомида Тошкент «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилганман. Цехимиздаги Дониёр, Ботир, Шаҳобиддин исмли илғор ишчи ва мастерларнинг садоқат билан ишлашини ҳозиргача ҳурмат билан эслайман. Айнан шу коллективдан пенсияга кетганимга анча бўлди. Лекин кўнглим ҳамон ишхонам билан боғлиқ.

Шунинг учунми, билмадим Янги йил байрамида корхона ишчилари, шогирдларим Феруза, Муҳаббат, Зулфиялар хонадонимга кириб келишганда ёш боладек севиниб, қувончим ичимга сиғмай кетди. Улар кўп йиллик меҳнатимни унутмай, мени байрам билан табриклаб, совға-саломлар кўтариб келишибди. Коллективдагиларнинг ҳамон мени унутмаганлари, қизларга эса одамийлиги, фидойиликлари, катталарга ҳурмат ва эъзоз билан қарашлари учун дил-дилимдан ташаккур изҳор этаман.

Меннинг ҳаётим тинч, яхши. Фарзандларим, келиним, невараларим даврасида фаровон яшаяпман. Ҳамкасб шогирдларимнинг менга кўрсатган ҳурмат-эътибори келгусида улар учун ҳам мактаб бўлади деган фикрдаман.

Мен корхонанинг барча ишчи-хизматчиларига ташаккур билдириб, уларнинг барига соғлиқ, омонлик, ишларига омад тилайман.

Х. АБДУАЛИМОВА,
меҳнат ветерани, пенсионер.

Бу нима, тузоқми?

Тошкент шаҳар пассажир транспорти учун чиқарилаётган ҳозирги абонемент билетлари иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидаги абонементлардан нимаси билан фарқ қилади? Буни оммавий транспорт воситаларидан фойдаланаётган аҳолининг катта қисми билмаса керак. Албатта, пассажир транспорти ходимлари бундан мустасно. Чунки автобус бекатида турувчи контролерлар уларни тезда фарқлаб олишади. Кўринши ва текстида фарқ бўлмаса ҳам абонемент қайси шаҳар учун чиқарилганини аниқлашлари жуда осон...

Мен командировкадан қайтаётиб, 1988 йил 17 декабрь куни 25-автобусда метро станциясигача бордим. Албатта абонементим компостер қилинган эди. Бекатдаги текширувчилар мен кўрсатган абонементни бошқа шаҳарники деб, жарима тўлашни талаб қилишди. Мен абонементларнинг бир-биридан фарқи йўқлиги, уларнинг қайсиниси Тошкент шаҳри учунлигини фарқлай олмаганимни, қолаверса унда ҳеч қандай шаҳарнинг номи йўқлиги ҳақидаги тушунтиришларим зое кетди. Худди шу вақтда автобусдан тушган бир неча киши шунақа вазиятга тушишди.

«Азаматлар» қилган дўқ-пўписа-чи? Агар уч сўм тўламасам, жарима 15 сўмга кўтарилармиш.

Ахир, Тошкентда харид қилинган ва компостерланган абонементим бўла туриб ноҳақ таҳқирланишим, ўткинчи пассажирлар олдида мулзам бўлишим ва ниҳоят уч сўм жарима тўлашимнинг сабаби нимада?

Хўш, жарима мендан ҳақли ундирилдими?

А. ИУЛДОШЕВ.

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

№ 1 (67)

А. В. Суворов ҳикматларидан

⊙ Сўнгги нафасинггача ватанга содиқ бўл!

⊙ Машғулотда оғир бўлса, жангда енгил бўлади.

⊙ Солдат мен учун ўзимдан ҳам қадрлироқдир.

⊙ Интизом — ғалабанинг онаси.

⊙ Қўрқоқни хавфли топшириқлар билан давола.

⊙ Походда тезлик, ҳужумда шиддат зарур.

⊙ Менинг тезлигим фақат битта маршни — олға маршини билади.

⊙ Жанг тақдирини дақиқалар ҳал қилади.

Қисмдан ташаккурнома келди

Неъмат Аҳмаджонов 70-ўрта мактабни битиргач, Совет Армияси сафига чақирилди. Унда қурилишга бўлган қизиқишни кўрган командирлар уч ойлик ўқишга юборишди. Неъмат қисқа вақт ичида ҳарбий ва граждан қурилишлари сир-асрорларини ўрганиб олди.

Яқинда у хизмат қилаётган қисмдан ҳарбий бўлим командири имзоси билан уйига мактуб юборилди. Ташаккурномада Н. Аҳмаджонов ўз бурчини аъло даражада ўтаётгани, унинг фазилатлари тилга олинади. Ҳа, ота-она учун ўз фарзанди ҳақида бундай илиқ сўзларни эшитишдан бўлак қувонч борми?

— Хизматимда рус тилини яхши билишим, жисмоний тайёргарлигим, меҳнатга ўрганганлигим жуда қўл келаяпти,— дея такрор-такрор хат ёзади Неъмат укаларига.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

Тўрт йил давом этган Улуғ Ватан уруши Совет халқининг Буюк ғалабаси билан тугади. Тўрт йил давомида мамлакатимизнинг барча миллат ва элатлари елкама-елка туриб «жон олиб, жон бердилар». Мислсиз мардлик ва мангулик намуналарини кўрсатдилар. Ҳар бир халқдан етишиб чиққан матросовчилар душман ДЗОТларига кўксиларини қалқон қилдилар. Уларнинг номи ҳеч қачон унутилмайди.

Бугунги суҳбатдошимиз ҳаёт-мамот жангларини осмонда олиб борган собиқ ҳарбий учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқулов. Бу киши билан халқимиз нафақат қаҳрамон сифатида, шу билан бирга ўзбекларнинг бармоқ билан санарли лочинларидан бири эканлигидан чексиз фахрланади.

Абдусаттор ака ҳақида кўп ёзилган. Уларда собиқ учувчининг жангларда кўрсатган жасорати батафсил ҳикоя қилинган. Буниси эса асосан дўстлик мавзуига бағишланди.

— Абдусаттор ака, сиз уруш йиллари турли миллат вакиллари билан ёнма-ён парвоз қилдингиз. Жанговар операцияларда бирга қатнашдингиз...

— Айтмоқчи бўлган гапингизни тушундим, ўғлим. Дўстларим ҳақида сўрамоқчисиз, шундайми! Улар жуда кўп эди. Умуман довюрак, бақувват бўлмаган одамдан учувчи чиқмайди. Шулар ичида менга энг яқин бўлганлари...

Суворов орденли 233-Ярцевчи-штурмчи авиация дивизиясининг Суворов орденли 62-Гродно штурмчи авиация полкида звено командири эдим. Самолётларимиз асосан ИЛ-2, унда учувчидан ташқари яна ўқчи-радист ҳам бўларди. 1944 йил бошларида экипажимга тошкентлик қозоқ йигити Ҳамит Азаматов ўқчи-радист этиб тайинланди. Ўшанда ҳипчагина, чайир йигит бўлиб, эндигина ўн тўққизга тўлган эди. Ўта интизомли, одоблилигидан укамдек яхши кўриб қолдим. Бизга келгунча бошқа қисмларда ҳам жанг қилган экан. Қандай уришганини кўкрагидаги Қизил Юлдуз, иккинчи даражали «Ватан уруши» орденлари, «Жасурлиги учун» медали айтиб турарди. Кейин битта самолёт уриб туширди. Урушда бу жуда катта гап. 1945 йил бошларида бошқа звенода учиб ҳалок бўлди. Польша ерига дафн этдик. Ажойиб йигит эди. Бир умр қалбимда қолди.

— Урушдан кейин ота-онасини кўрдингизми?

— Албатта. Биринчи марта қирқ тўртинчи йилда — отпускага борганда кўргандим. Ҳамит ота-онасига хат ёзиб берганди. Ҳозирги телевиноранинг ўрнида ғишт заводи бўларди. Уша заводда ишлашар экан. Дўстим саломини топширдим. «Ўғлимнинг командири» деб бошларига кўтаргудек бўлишди. Лекин кейинги боришимда анча қийналдим. Қора хатга ишонмай ўғлини умид билан кутиб ўтирган ота-онани зиёрат қилиш қанчалар оғирлигини ўшанда тушундим...

— Қисмингизда бошқа тошкентликлар ҳам бормиди?

— Полкимизда йўқ эди, лекин дивизияда бор эди. Бўлганда ҳам қанақаси денг.

Белосток шаҳрида бир дивизиянинг икки полки ёнма-ён туриб қолди. Йўлнинг бу томонида бизнинг полк, у томонида қўшни полк жойлашганди. Ошхонамиз бир. Бир куни овқатланиб ўтиргандик. Кўкси орден-медалларга тўла нотаниш бир капитан биз ўтирган стол томон кела бошлади. Аввалига

Абдусаттор ЭШОНҚУЛОВ:

«Шу юрт ўғлиман!»

эътибор бермадим, негаки бу ерда икки полкнинг учувчилари овқатланяпти, одам кўп. У тўғри олдимга келди-да: «Ассалому алайкум» деди. Қулоқларимга ишонмай қолдим. Бундай ёқимли, она тилимдаги сўзларни эшитмаганимга анча бўлганди. «Ассалому алайкум» деб мен ҳам ўрнимдан турдим. Ҳаяжон зўридан ҳарбий унвони меникидан катта офицер олдида ўзимни қандай тутишни унутиб қўйгандим. У менга қучоғини очди. Танишдик. Ҳамшаҳрим Юрий Ивлиев экан. Ҳа, ўша машҳур учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. «Тошкентнинг қаеридансан оғайни!», «Ракатдан, ўртоқ капитан, ўзингизчи!» «Кичик Миробод-дан». Улфатлашдик. Кейин билсам бизнинг полкдагилар унга «Сафимизда тошкентлик ўзбек бор» дейишган экан. Эшитган куниёқ мени топибди.

— Бир дивизияда тошкентлик икки Совет Иттифоқи Қаҳрамони...

— Ҳа. Аммо Ивлиевдакаси кам бўлади. Қувноқ очиққўнгил, меҳрибон одам эди. Ўзбек тилини яхши биларди. Мардлигига таъриф йўқ эди. У охирги, етмишинчи учишигача бирон марта ҳалокатга учрамаганди. Ўзи ниҳоятда уста эди-да. Бир куни анча дардлашиб ўтиришиб қолдик. Учувчиларга берилади диган нормадан тотиндик. Бирдан маъюсланди. Кўзларига ёш келди, «Шу жангу-жадалларда ўлиб кетсам Тошкентга қайтганингда мен ҳақимда одамларга гапириб бер», деди. «Бирга қайтамиз, ундай деманг», деб уни юпатдим. Кўнгли сезган эканми...

Орадан кўп ўтмай — 1945 йилнинг 28 январида Кенигсбергни олиш учун бизнинг дивизия жангга кирди. Ҳавога кўтарилганлар орасида мен ҳам, Ивлиев ҳам бор эдик. Қаттиқ олишувда капитан ярадор бўлади. Шундай бўлсада, самолётини ерга қўндиради. Жароҳати жиддий экан, февраль ойида санbatда вафот этди. Мана, қандай ҳамшаҳарларимиз бор эди.

— Дўстларингиз билан бирга қатнашган жанговар операциялардан бирини хотирласангиз...

— Бу Данциг районида — душман колоннасини бомбардимон қилишда бўлганди. Бир-икки бомба нишонга аниқ тушгач, осмонда фашистларнинг қирувчи самолётлари пайдо бўлди. Ердан ҳам мени нишонга ола бошлашди. Шу пайт рациядан Николаевнинг овози эшитилди: «Бардам бўл, сени ҳимоя қиламан!». У шундай деб бошқа учувчиларимиз билан душман қирувчиларига ташланди. Фурсатдан фойдаланиб, қолган бомбаларни ҳам колонна устига ташлаб жангга кирдим. Шу орада бизнинг қирувчиларимиз ёрдамга етиб келишди. Буйруқ бажарилди.

Аэродромга келиб қўндик. Николаевнинг самолёти илма-тешик бўлиб кетганди. Дўстим мени асрайман деб ўзини аямай ўтга урганди. Бундай воқеаларни ҳаяжонланмай хотирлаш мумкин эмас. Аслида ҳарбий учувчининг ҳар бир парвози урушда хавф-хатарга тўла эди. Аэродромга бугун қайтадимийўқми, олдиндан билмасди. Қандай шароитда бўлмасин, бир ўлимни бўйнига олса-да, дўстига бўлган садоқатини охиригача адо этарди. Икки соат бурун ерда қаттиқ ғижиллашиб қолган бўлсин барибир ҳаммаси унут бўлади. Фақат ёдида икки сўз қоларди: совет учувчиси!

— Эсдаликларда ёзилишича, ИЛ-2 самолётида учиш осон бўлмаган экан.

— Тўғри. Уни оддий учувчи бошқаролмасди. Аммо зўр машина эди. Уни танкчилар учувчи танк, тўпчилар учувчи артиллерия дейишарди. Шунинг учун ҳам бизни фронтнинг энг оғир участкаларига ташлашарди. Айниқса тунги учишларда қаерда, ердан неча метр баландликда кетяпсиз — аниқ маълумотга эга бўлмайсиз, фақат сезасиз, ҳис қиласиз.

— Ўрни келиб қолгани учун мавзудан узоқроқ бўлса ҳам бир савол: негадир халқимизда ҳарбий ишга қизиқувчилар кам. Ҳарбий авиацияда эса ўзбеклар ҳанузгача бармоқ билан санарли...

— Ярамга туз сепдингиз. Шуларни ўйласам мана бу ерим (Абдусаттор ака чап кўкрагига муштлади) йиғлайди. Шу юрт фарзандиман, бундан фахрланаман. Гоҳида эзиламан ҳам. Бизда ҳам тоғни урса талқон қиладиган йигитлар кўп, жуда кўп. Лекин айримларида ғурур йўқ, орият йўқ. Куни ўтса бас, халқимга муносиб бўлай, нафим тегсин демайди. Уруш йиллари кишилар полкдошларимдан «Анави қорачадан келган учувчининг миллати нима!» деб сўрашса, «Ўзбек, Тошкентдан» деганларини эшитиб шундай фахрланардимки, асти қўяверасиз. Энди туриб-туриб ўйлайман: таълим-тарбия ўз йўлига, бу ёғи йигит кишининг ўзида ҳам бўлсин экан — довюраклик, виждон ва ғурур...

— Тилакларингиз...

— Тилакларим... Дунё тинч бўлсин. Хизматга кетаётган ўғлонларимиз фақат тинчликни ҳимоя қилишсин, ота-боболари кўрсатган жасоратига муносиб бўлишсин, ўзбек йигитларидан ҳам кўплаб офицерлар етишиб чиқсин. Муҳими, дўстликнинг қадрига етишсин. Дўстликда гап кўп.

— Раҳмат.

Суҳбатни Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ ёзиб олди.

Абдукаримнинг ташаббуси

Тошкент технология техникумида Афғонистон Республикасида ўз интернационал бурчини ўтаб қайтган йигитлар кўплаб топилади. Ҳозирги кунда улар комсомол комитетига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Запасдаги интернационалчи-жангчи Абдукарим Сайдуллаев дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш группасида таълим олмоқда. У яхши ўқиш билан бирга, жамоат ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. Техникум залига кирсангиз спорт «юлдуз»лри орасида унинг суратига ҳам кўзингиз тушади.

— Абдукарим менинг энг яқин ёрдамчим,— дейди группа ўқитувчиси Н Ҳасанов, — яқинда бу студентимиз ташаббуси билан ёшар 224 сўм пул йиғишиб В. И. Ленин номли болалар фонига ўтказдилар.

Ортиқ МАҲАЮСУПОВ.

ЎСМИР, ҚАНДАЙ ЧИНИҚЯПСАН?

Армия сафига чақирилган ўсмирлар дастлабки синовдан ўтказилганда, кўпчилиги жисмонан яхши чиниқмаганлиги маълум бўлиб қолмоқда. Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада?

— Менимча, ёшларда мактаб бўсағасидаёқ ҳақиқий ҳарбий хизмат масъулияти етарли шакллантирилмаяпти, — деди Киров район халқ таълими методисти М. Б. Зайнуллин. — Айниқса, ҳарбий дала машқлари самарадорлигига катта аҳамият беришимиз зарур.

Унинг фикрига қўшилмай иложимиз йўқ. Партия ва ҳукуматимиз кейинги пайтда бошланғич ҳарбий таълимни ривожлантириш учун қатор қарорлар қабул қилди. Кўплаб маблағлар ажратилмоқда. Биргина эстакада, швед нарвони, нишон ва бошқа жиҳозлари бўлган ҳарбий спорт комплекси 4 минг сўм туради. Райондаги 16 та мактаб ана шундай комплект билан таъминланиб, назарий билимнинг мустаҳкамланишига замин яратилди.

Ҳар бир машқнинг қоида бўйича ўтилиши, кабинетлар замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланишига катта эътибор берилаяпти. Михаил Борисовичнинг айтишича, РайОНО раҳбарлари яқиндан ёрдам беришаётгани сабабли муаммолар осонгина ҳал этилмоқда.

Ўтган ўқув йили охирида 86, 210, 240, 250 253-ва бошқа базавий мактабларда ўқувдала машқлари ўтказилди. 9, 10-синфларда таълим олаётган ўсмирлар ҳарбий хизмат қандай бўлишини ростмана, чуқур ҳис қилдилар.

— Амалий билим олган ёшларда зўр қониқиш ҳосил бўлди, — деди 86-мактаб бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси И. Гордеев, — ёдимда, эгнига форма кийиб, ҳарбий қисм талабидек автомат макети, сувдон, дала сумкаси осиб олган ўсмирлар ўзларини ҳақиқий солдатдек қилишди. Машқларда тераб, чарчасалар ҳам юзлардан мамнунлик ифодаси армади.

Бу йил район жория комитети қарорига кўра 29-болалар уйи базасида арбий спорт учун жой ажратилди. Ҳозирги кунда реконструкция ишлари қизғин олиб борилмоқда. Апрель-май ойларида 6 сменада амалий машғулотлар ўтказилиши планлаштирилган.

Бошланғич ҳарбий таълим дарслари фақат рус тилида ўтилаяпти. Ўқувчиларнинг эркин гапиришини таъминлаш учун миллий ва аралаш мактабларда тўгараклар ташкил этилди. Тажрибали ўқитувчилар болаларга рус тилини чуқур ўргатиш учун тадбирлар ишлаб чиқишган

Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда «Зарница» ўйинининг аҳамияти катта бўлапти. Ўтган ўқув йилида район комсомол комитети 6—7-синфлар ўртасида мусобақа тказди. Ҳарбий тайёргарлик ва эстафета баҳсларида 5, 6, 80, 86, 98-мактабларнинг вакиллари фахрли ўринлони эгаллашди. Айни пайта 8—10-синф ўқувчилари мар ойида бўладиган «Орлёнок» ўйинига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Райондаги бошланғич ҳарбий таълим ютуқлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳридаги олий билим юртига 6 ўрнига 102 нафар ўсмирлар қабул қилингани қувончлидир. Билим даргоҳидан республика махсус мактаб-интератига кўплаб маҳаллий милат вакиллари юборилаяпти. Бу сўз билан айтганда, олиб борилаётган ибратли ишлардан ўрнак олса арзийди.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Ушбу суратда ўртада турган йигит ўз бурчини Афғонистон Республикасида ўтаган. Жанговар операцияларда кўрсатган жасурлиги ва мардлиги туфайли у Қизил Юлдуз ордени ҳамда «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди. Ҳарбий хизматдан қайтгач умрини халқ осойишталиги йўлида хизмат қилишга бағишлашга қарор қилди. Н. Муҳаммадиев ҳозир СССР Ички ишлар министрлиги Тошкент Олий милиция мактабида таҳсил олмоқда.

СУРАТДА: курсант Н. Муҳаммадиев ички хизмат капитани (ўнгда) Д. Абдуллаев ва старшина П. Сасюк билан.

Р. Шарипов фотоси.

Қўзиқорин

Ўғлим Бахтиёрнинг ёрқин хотирасига бағишлайман

— Хуш келибсиз азизлар,
Бизнинг макон — Ўролга!
Келтирдингиз зўр қувонч
Биз ёлғиз кампир, чолга.
Ҳасанот қадамингиз,
Чин дўстлик меҳри учун!
Отангиздан ёдгорлик
Садоқат сеҳри учун!
Пахта, дон берган бўлса,
Ўзбекистон Ватанга,
Бу ерда биз пўлатдек
Тобланганмиз мартенда.
Ота қадрдоним деб,
Бизни йўқлаб келибсиз.
Омон бўлинг, тойчоқлар,
Жуда яхши қилибсиз.
Бизнинг бойлик дов-дарахт,
Кўм-кўк яшил ўрмондир.
Яланглик, қайинзорлар
Қўзиқоринга кондир.
— Раҳмат, Иван Петрович,
Келдик Сизни кўргали!
Отамиз юрган йўлдан
Юриб сайр қилгали!

⊙

Саҳий қуёш осмонда
Кулиб, чарақлар эди.
Ўт-майса, дов-дарахтлар
Яшнаб, ярақлар эди.
Мен табиат сеҳрига
Қойил қолиб завқландим.
Бағрида ётдим яйраб,
Ўзимда йўқ шавқландим.
Мовий кўкда сузарди
Паға-паға оқ булут.
Гўё дерди: «Бўлмаган,
Ҳали кўп нарса унут».
Қўзиқорин яратса
Энди атом бомбаси,
Ер куррасин эгаллар
Ял-ял ўт, алангаси!
Унинг ҳаётда тутган
Вазифаси бошқача!
Ишга тушса иабодо
Эритади тошача!
Огоҳ бўлинг одамлар,
Дуч бўлманг фалокатга.
Келтириши ҳаррар
Дунёни ҳалоатга!
Токи атом оғида
Тирик жон зилмасин!
Меҳнат қилиб қургани
Ошёни бузилмасин...

⊙

Иван Петрович бўлса
Юраги тоши чандон,
Қўл силкиб бр овоз-ла
Қичқирарди из томон:
— Ана қўзиқорин,
Мана қўзиқонлар!
Қўзиқорин сўлига
Дўстлар, келб қолинглар!

Искандар РАҲМОНОВ,
СССР Соғлиғи сақлаш аълочиси, ССС Қуролли Кучлари ветерани.

Сенинг ўрнинг сафда!

Запасдаги жангчилар республика биринчи йиғинининг қатнашчилари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоларини муҳокама қилмоқдалар.

17 январь куни Чирчиқда очилган ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан ўтказилаётган йиғинда Афғонистоннинг алангали йўлларини босиб ўтган интернационалчи-жангчилар иштирок этмоқдалар. Бу ерга партия ва совет ходимлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари таклиф этилди.

Йиғиннинг очилишида таъкидлаб ўтилганидек, интернационалчи-жангчилар ҳарбий-ватанпарварлик клублари ва бирлашмаларини вужудга келтиришга фаол кўмаклашмоқдалар, бошланғич ҳарбий тайёргарликни ташкил этишга ёрдам бермоқдалар, мактаб ўқувчилари билан ишлашни янада такомиллаштириш йўлларини белгилайдилар.

Йиғиннинг оилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. И. Анишчев, Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қомодони, генерал-лейтенант В. В. Фуженко нутқ сўзладлар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

● ХАНОЙ. Вьетнамликлар истеъмол қиладиган ичимликлар ичида чой шубҳасиз биринчи ўринни эгаллайди.

Республикада чой маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги эришилган даражаси ВСР ички эҳтиёжларини қоплашгагина эмас, айни вақтда уни чет элларга етказиб бериш имкониятини ҳам яратмоқда.

Вьетнам чойини асосан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар оладилар. Хусусан шу мамлакатлар ВСРга тармоқни ривожлантиришга кўп ёрдам бермоқдалар. Чунончи, СССР ва Польша билан ҳамкорлик программасини амалга ошириш чоғида Вьетнамда фақат кейинги икки йил ичида юз гектарлаб янги чой плантацияларига асос солинди. Ўтган йили давлат секторида 11 минг тонна хушбўй маҳсулот етиштирилди, унинг 9,5 минг тоннаси чет элларга етказиб берилди. 1988 йилда тармоқ умумий ишлаб чиқариш ҳажмида давлат корхоналарининг ҳиссаси 35 процентни ташкил этди. Чойнинг анча қисми эса кооператив ва вилоят хўжаликларида етиштирилмоқда. Уларнинг кўпчилиги нисбатан яқинда ташкил этилган бўлиб, қисқа муддат ичида ишлаб чиқариш рентабеллигини ва етиштирилаётган маҳсулотнинг юксак сифатини таъминлай олдилар.

Чой етиштирувчилар кўп жиҳатдан меҳнатга қараб ҳақ тўлашни кенг жорий этиш, тармоқ корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш натижасида муваффақиятга эришдилар.

(ТАСС).

КАЛЕЙДОСКОП

ОТАХОН, САФГА ТУРИНГ

Яқинда франциялик 91 ёшли биринчи жаҳон урушининг ветерани чақириқ қоғозини олди. Ҳарбий хизматга чақирилувчининг кўзи хиралашиб қолганлиги учун унинг 67 ёшли ўғлига чақириқ қоғозини овоз чиқариб ўқиб беришга тўғри келди. Расмий хатда отахонга ўзи бириктирилган ҳарбий қисмга етиб келиш буюрилган эди. Чақириқ қоғози англашилмовчилик туфайли юборилганлигин полициячи ветеранга, ҳар эҳтимолга қарши, уни дезертир деб ҳисобламасликлари учун, ҳарбий идораларга мурожаат этиб, вазиятга ойдинлик киритишни маслаҳат берибди.

ЁЗУВЧИ ОРЗУСИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛЯПТИ

Машҳур фантаст Жюль Верн ҳаётининг 50 йили ўтган Франциянинг Аньен шаҳрида «Келажак шаҳри» қурилмоқда. Ана шу шаҳарда адибнинг кўпгина ғоялари ўз ифодасини топади. Қирқ гектар территорияда Жюль Верн китобларининг саҳифаларида тасвирланган ғаройиб иншоотлар, кемалар, ҳаво шарлари ва бошқа фантастик ихтиролар жойлашади.

ГДР. Табарц қишлоғида (Эрфурт округи) ўсувчи ушбу улкан дарахтни «рақс тушаётган жўка» деб аташади. Бу дарахт 180 ёшга тўлган, табиат ёдгорлиги сифатида муҳофаза қилинади. Инсоннинг яшил дўсти юқоридаги номга ташқи кўриниши туфайли сазовор бўлган эмас. Аксинча, бу ном кўҳна халқ анъаналари билан боғлиқ. Қадимда дарахтнинг махсус кесилган пастки навдаларига тахтақалар қўйилиб, уларга созандалар ўтириб олишар, шўх куйларни ижро этишарди. Шу ерда қишлоқ аҳолиси йиғилиб, рақсга тушарди. Бугунги кунда Тюрингияда ана шундай қадимги жўкалардан — тарихнинг жонли гувоҳларидан бир нечтаси қолган, холос.

АДН — ТАСС фотоси.

Оқшомхонлар учун учрашув

Ҳалоллик!

Бу сўз нима ўзи? Жавоҳиротми? Унвонми? Фазилатми? Ёинки иқбол калитими? Матёқуб домла билан учрашгунимча шу саволлар фикру ўйимда ғужғон ўйнар эди. Ким билсин, домла ҳам кўпдан бери етмиш йилнинг (у киши яқиндагина қутлуғ етмиш ёшга тўлдилар) сардафтарини варақлаётган эканларми, суҳбатимиз дарров қовуша қолди Хаёлимдаги гапларни бирма-бир айтдим. Домла андак хаёл оғушида бўлдилар-да, оҳиста сўз бошладилар. Мен ёзишга шайландим.

Ёш вақтларим эди, дадам бир ривоят айтиб бергандилар: йўлдан кетадиган бўлсанг, оддий йўлда, шунинг бир томони сеники, бир томони кўпники. Мабодо йўлда оёғингга тикан кирса, шу тиканни олиб кўпнинг томонига ташлама, ўз томонингга ташла. Сенинг оёғингга кирган тикан, ўзгаларга ҳам озор етказиши шарт эмас.

Ҳалоллик — бошидан бошланади, яъни отадан, онадан бошланади. Ота ҳалол бўлса, бола ҳам албатта шу йўлдан юради, шу фазилатга эга бўлади. Мабодо ота ёлғончи, ёмон бўлса, бола ундан ўтиб бирон-бир яхши фазилатга эришмоғи мушкул. Бу гап ҳаммага тааллуқли. Олимми, ишчими биринчи навбатда ҳалол бўлиши керак.

Ёмон одам ўз тилини ёмонликка, яхши одам эса яхшиликка ишлатади.

Яхши олимлик — илмини эл, халққа ишлатиш — ҳалолликнинг биринчи шартидир. Шу йўлда изланган, шу йўлда яшаган олим ҳалол меҳнат қилади.

Ҳалолликнинг яна бир шарти бор — шарт демасаям бўладию, лекин шу сўз ҳозир айтмоқчи бўлган фикримга мос келади — одам бажарган, бажараётган ишининг масъулиятини тушунмоғи, шу ишни амалга оширишни халқ олдидаги бурчим деб билмоғи, қилаётган ишидан қаноат ҳосил қилмоғи керак. Қаноат олға бориш учун мезон бўлаверади. Ҳалоллик ана шундай катта маънавий куч. Акс ҳолда одам ғирромлик қилади, хиёнатга қўл уради, турли қинғир йўлларга киради.

Мен яшаган умримдан жуда ҳам мамнунман. Ҳаётимда кўп ҳалол одамларга дуч келдим. Улардан ўргандим, изландим, ибрат олдим.

Мен ҳозир ҳам Нуриддин Акрамович Муҳиддиновни катта миннатдорлик туйғуси билан тилга оламан. У киши биринчи учрашувимиздаёқ менга дўстона қўл чўзган, тўғри йўл кўрсатган, одил маслаҳат берган. Гап мени ишга олиб келишида эмас, албатта. У киши доно шахс. Менинг олим бўлишимда ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Яна бир буюк инсонни чуқур эҳтиром билан эслайман. Бу — адабиётимизнинг қуёшларидан бири Ойбек. Бу буюк сиймо билан кўп учрашганман, адабиёт, санъат ҳақида кўп бор суҳбатда бўлганман. Айтиб ўтай, биринчи ёзган китобим ҳам Ойбек домла ижоди ҳақида эди.

Ойбек — мен учун ҳалолликнинг тимсоли эди. Ҳаётнинг ёруғ томонларини кўра биларди у киши. У ҳаёт каби нуроний бир сиймо эди. Ҳаёт теранликларини ўзида мужассамлаштирган эди.

Мен шу одамга қаттиқ ихлос қилганман. Ҳаётни Ойбек қаҳрамонлари кўзи билан кўришга интилганман. Домланинг ўзини эса шу қаҳрамонлар қиёфасида кўрганман. Хусусан, Навоийни шундай таҳлил қилганман. Навоий ва адибни ёнма-ён қўйиб ўрганганман.

Менга сабоқ берган буюк инсонлардан яна бири Абдулла Қодирий бўлди. Мен у киши билан учрашмаганман, суҳбатлашмаганман. Бирибиридан гўзал асарларини таҳлил қилиб, бу одамнинг ҳалоллиги, ўз Ватани, ўз халқини севишини кўриб, қойил қолганман, суҳбатлашгандек бўлганман.

Абдулла Қодирийни оқладик, лекин тиклолмадик. Сабаби — унинг бирон марта юбилейи ўтгани йўқ. Уни сўз санъаткори сифатида нишонладик, холос. Уй-музейини ташкил этмадик. Ҳатто Абдулла Қодирийнинг ҳайкали ҳам йўқ. Ойбек таъбири билан айтганда, Тошкентнинг энг гўзал ерига ҳайкал қўйиш керак. Мен Абдулла Қодирийни кўрмаганман. Лекин у Отабек қиёфасида кўз олдимда туради: салобатли, саводхон, халқ тақдирини ўйлайди.

Тақдиримдан хурсандлигим мени Абдулла Қаҳҳорга дуч қилди. Абдулла Қаҳҳор ҳақида катта монография ёздим, эсдаликлар ёздим. Барибир кам. У киши билан бир бора учрашганимнинг ўзи бир китоб.

Бу одамда жасорат кучли эди, ҳалоллик, ростгўйлик кучли эди. Ижодида ҳам, ҳаётида ҳам. Абдулла Қаҳҳорнинг Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлиги давридаги кўприк воқеаси ҳамманинг ёдида бўлса керак. Шунда у киши: «Бир кўприк қуриш шунчалик қийинми?», деб қаттиқ ранжиганди.

Абдулла Қаҳҳордан ҳақиқий ижодни ҳалол баҳолаш сабоғини олдим.

Матёқуб домла жим қолдилар. Кўзойнакларини олиб, ўйга чўмдилар. Билиб турибман, ўша азиз кишилар сиймоси кўз ўнгларида гавдаланяпти. Суҳбатимиз узилиб қолишидан қўркдим. Қайта қуриш, ҳозирги ошкоралик кунлари, яхши-ўртача асарлар ҳақида сўз очдим. Домла менга диққат билан қарадилар. Кейин кескин гапира бошладилар.

ЯШАШ ШАРТИ



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Матёқуб ҚУШЖОНОВ ҳузурида

Адабиёт иши — санъат ишидир. Шахсга сиғиниш йилларида, турғунлик йилларида кўпгина асарлар эълон қилинди. Улар кўпчиликка ёқадими-йўқми биров сўрамади. Ваҳоланки, адабиёт — талантнинг меваси бўлиши керак. Талантсизларнинг кўриги эмас. Мана шунинг учун ҳам кўпчиликка қайта қуриш унчалик хуш келмаяпти. Чунки, қайта қуришнинг биринчи талаби виждонийлик, ҳалоллик бўляпти-да. Қайта қуриш ўша кўпчиликни бор имкониятларидан маҳрум қиляпти-да. Ўзингиз бир ўйланг, ҳар ҳолда тафаккурли кишисиз: баъзи одамларнинг таърифини келиштириш, шанига мақтовлар ёзиб, кўкларга кўтариш, ҳақ гапни айтган одамни «уриб ташлаш», комиссиялар туздириб, ишининг авра-астарини ағдариш — булар ҳаммаси турғунлик даврининг мевалари. Аслида бу мевалар ҳали тўкилиб тамом бўлгани йўқ. Ана шу «мевалар» янгилик йўлини тўсиб туради. Ҳақини талаб қилганларнинг бурнини қонатиш пайида бўлади.

Бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда — ошкоралик ва демократия даврида адабиётда акс этиши, улуғ ва ҳалоллик билан ёзилган асарлар яратилиши керак. 20—40-йилларда «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Сароб», «Навоий» каби романлар яратилди. Эллигинчи йилларнинг «Опа-сингиллар», «Уч илдиз»лари бор. Саксонинчи йиллар ҳам ўз китобларига эга бўлиши керак...

Матёқуб домла яна жим қолдилар. Кейин жилмайдилар: «Бўлар-а, энди ўз ишимиздан — адабиётдан гаплашайлик». Менга жон кирди: «Албатта. Устозларингиз, шогирдларингиз, ўз оилангиз ҳақида, малол келмасину, камчилигингиз ҳақида ҳам сўзланг». Домла ажабланганидек бўлдилар: «Ия, бу қанақаси бўлди?». Мен хижолатомуз кулдим: «Ахир ошкоралиқни ўзимиздан бошламасак қандай бўларкин?». «Ҳа,— дедилар домла, — айтсак айтаверамиз...».

Менинг тенгдошларим — менинг устозларим. Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Пиримқул Қодировларнинг ҳар бири бир олам. Улар билан ҳамфикр, ҳамкор, замондош бўлганимдан хурсандман. Энг муҳими гапимиз қовушади, бир ердан чиқади. Суҳбатларимизда ёзилган, ёзилмаган асарларни таҳлил қиламиз. Демоқчиманки, уларнинг яратган асарларида менинг ҳам ҳиссам бор. Умуман тенгдошларимдан ёлчиганман.

Энди шогирдлар ҳақида гапириш ҳам лаззатли, ҳам масъулиятли. Мен Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Ориповларга озмикўпми устозлик маслаҳати берган бўлсам, биронта шеърининг, ҳикоясининг баландроқ пардада бўлишига ҳисса қўшган бўлсам ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Иқтидорли адабиётшуносларимиздан Норбой Худойберганов, Бегали Қосимовлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Майли, жуда ҳам мақтаняпти деб ўйлай қолинг. Лекин тўғри гапни айтишим керак! «Уларга устозман», деган фикрнинг ўзиёқ менга ҳузур бағишлайди. Бунинг устига, масъулият ҳам юклайди. Шогирдга муносиб устоз ҳам бўлиш керак!

Биласиз, уруш кўрган одамман. Жангларда ўзим шоҳид бўлган воқеалар янги китоб яратишимга туртки бўлди. «Снайпер жангномаси» номли бу эсдаликлар, лавҳалар китобим 11 бобдан иборат бўлади. Биринчи қисми битган. Иккинчи қисмини ёзяпман.

Ҳозирги кунда мен яна бир ишни тугатяпман. «Ўзбек романининг машаққатли йўллари» деб аталади у.

Қайта қуриш ҳозир адабиётга бошқача, яна ҳам тўғриғи ҳалол муносабат талаб қиляпти. Ушбу китобимнинг 250 betини ёзиб тугатдим. Китобда йигирманчи йиллардан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган катта даврни қамраб олишга интилдим.

Энди оилам ҳақида. Оилам яхши бўлмаса шунча нарса ижод қилишга қурбим келармиди?! Рафиқам Раҳима Раҳмоновна врач, медицина фанлари кандидати. Энг ёқимли томони адабиётни мендан кам билмайди. Айниқса, ғарб адабиётини.

Икки фарзандим, олти неварам бор. Фарзандларимнинг бири врач, бири музикачи.

Қурилишни яхши кўраман. Яшаётган уйимизни ҳам ўзим тиклаганман. Бир қараганда эрмакдек туюлади, лекин у ҳам ижодий иш. Оилам ҳақида нима дейман бошқа.

Домланинг мулойим кулгусига қараб, ўйладим: «Яна бир гапни айтмадингизку». Матёқуб ака тушундилар чоғи, дарров қўшиб қўйдилар.

Энди ўзимга келсам. Чиройли қилиб, кифтини келтириб гапиролмайман. Ўзи шунақа бўлса керак: бировлар илмсизу жуда чиройли гапиришади. Маҳлиё бўласиз-қоласиз. Бировлар эса аксинча. Мен ҳам аксинча бўлсам керак. Фикрим ифодадан орқада қолиб, гапим кўпда кўнгилдагидек чиқмайди. Аслини олганда чиройли гапириш ҳам фазилат.

Ўз принципларимда доим собитман. Баъзан замона шабадаларига тебранган жойларим ҳам бўлган. Бироқ уларни мен тез тузатишга ҳаракат қилганман: бунда ҳалоллигим ёрдам берган.

Мен фикримни ўзгартирганимда маънони тиллога алмаштираман. Ана шунақа. Оқшомхон дўстларимга ҳам шуни маслаҳат бераман.

Домла ҳақида роса гапираман деб ўйловдим. Лекин негадир ортиқча сўз тополмадим. Ортиқча нима дейишим мумкин. Ҳаммаси шундоқ равшан. Бир нарсани чин дилдан истардим. Домла — Матёқуб Қўшжонов кўнгилларидаги китобларини тезроқ ёзиб тугатсинлар.

Ҳалол гап шу.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

✦ ОРЕНБУРГ.

Шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришда Мичурин номли колхоз билан Сухоречка қишлоғи аҳолиси ўртасида тўла ҳамжиҳатлик борлиги маҳсулот тайёрлашда қўшимча резервларни излаб топишга имкон берди. Колхоз аҳолига муайян имтиёзлар бериш эвазига сут сотиб олмоқда. Тоширилган бир тонна маҳсулот учун бир тонна хашак ва ярим тонна озуқа дон ажратилади. Қишлоқда 242 бош сигир бор. Колхоз ўтган йили хонадонлардан 220 тоннага яқин сут сотиб олди.

✦ КИРЕЕВСК.

Тула областидаги шаҳар корхоналари ёшларга физкультура-соғломлаштириш комплекси совға қилдилар. Енгил конструкциялардан бунёд этилган бинога сузиш ҳавзаси, спорт зали жойлашган. Бу залда футбол ҳам ўйнаш мумкин. Унда гимнастика зали ҳамда ёрдамчи хоналар ҳам бор. Бир вақтнинг ўзида 600 киши кетадиган бундай хил комплекслар Киреевск «Легсталь-конструкция» бирлашмасида кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Утган йили мамлакат район марказларига 250 та ана шундай комплекс етказиб берилди. Уларни жуда осон қуриб олиш мумкин, ташқаридан анча жозибали кўринади.

✦ ВОЛЖСКИЙ.

«Табиат» клубининг янги йилдаги биринчи машғулоти анъанавий чойхўрлик билан бошланади. Мезбонлар дастурхонга чой билан бирга турли-туман тузламалар ва мурабболар, мазали печеньелар ва бошқа ширинликлар қўйишди. Бу таомларнинг ҳаммаси ўзларининг боғ ҳовлиларида етиштирилган ноёб мевалардан, шунингдек одатдаги сабзавот ва мевалардан тайёрланган эди. Волжский клуби ўз атрофига ҳаваскор боғбонларни бирлаштирган. Уларнинг боғ ҳовлилари ажойиб яшил ҳалқа сифатида шаҳарни ўраб олган. Боғ ҳовли эгалари бир-бирлари билан учрашиб агротехника қоидаларини ўрганадилар, Заволжье учун янги экинларни етиштириш тажрибаси билан ўртоқлашадилар, бир-бирлари билан уруғлар ва кўчатлар алмашадилар. Клуб аъзолари «Заволжье гуллари» совхозида, тажриба станцияларига, Волжский шаҳрини кўкаламзорлаштириш учун зарур бўлган ўсимликларини синашда ва уларни кўпайтиришда ёрдам беришмоқда.

✦ БАЙРАМАЛИ.

Интернационалист жангчиларнинг янги йил арафасида очилган клубига «Қардошлик» номи берилади. Бу ерда, мамлакатимизнинг энг жанубий областида Афгонистондан қайтиб келган кўп йигитлар яшайди. Байрам дастурхони атрофига собиқ жангчилар тўпланишади. Бу билан уларнинг самимий учрашувларига асос солинди. Интернационалчилар Совет Армияси сафларига қўшилаётган мактаб битирувчиларига қаҳрамонларнинг қардошлиги, дўстлиги ва мардлиги ҳақида гапириб берадилар. Ёзувчилар, артистлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиладиган бўлади, мунозара клуби иш бошлайди.

(ТАСС).

Жонажон Ватан бўйлаб

Қайта ҳаёт бағишланган дурдоналар

Рассомларнинг Марказий уйида академик И. Э. Грабарь номидаги Бутунроссия бадиий илмий-таъмирлаш марказининг мутахассислари қайта ҳаёт бағишлаган санъат асарларининг виставкаси очилди.

Мазкур марказда уруш йиллари шикаст етган тасвирий санъатнинг нодир ёдгорликларига, Польша, Руминия, Венгрия, Болгария музейларидаги, Дрезден расмлар галереясидаги оламга машҳур усталарнинг асарларига қайта ҳаёт бағишланган.

Ҳозир ана шу марказда 300 киши ишлаб турибди. Юксак малакали таъмирловчи рассомлар, санъатшунослар, кимёгарлар, физиклар, рентгенологлар шулар жумласидандир. Улар ҳар йили икки мингга яқин экспонатни—амалий ва тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, кўҳна рус каштачилиги ёдгорликларини таъмирлайдилар.

● **СУРАТЛАРДА: «Музей бойликларини таъмирлаш ва тадқиқ этиш» виставкасида; Шарқ халқлари санъати музейининг ёш таъмирловчи рассоми Альбина Назимова академик И. Э. Грабарь номидаги Бутунроссия бадиий илмий-таъмирлаш марказида практика ўтамоқда. Ҳозир у эронлик XIX аср номаълум рассомининг «Эронлик раққоса портрети» асарини таъмирлаш ишларини олиб бораяпти.**

В. Кошевой фотолари, **ТАСС** фотохроникаси

Ҳар тўғрида

ҚУШ ПАТЛАРИ —ЭКСПОНАТ

Даниялик фермер Хансен уй қушларини кўпайтириш билан шуғулланарди. Унинг ҳар нарсага қизиқувчан ўғилчаси беш ёшидан бошлаб, қуш патларини тўплашга, уларнинг ранги ва катталигига қараб тартиблашга киришди.

Вақти келиб у қуш патларини экспорт қилувчи энг обрўли кишига ва ягона ўзига хос музейнинг эгасига айланди. Хансен 10 миллиондан ортиқ патларни тартибга солиб чиқди, яна деярли шунчаси тайёрланди.

1957 йилда «Қуш пати музейи» расмий равишда очилди. Данияни саёҳат қилиб юрган туристлар бу музейни қизиқиб томоша қиладилар.

КОЛЛЕКЦИЯДА — МАРКАЛАР

Ленинград шаҳрида почта маркалари коллекцияси 1872 йилдан буён сақланади. Почта департаменти чиновниклари Москвадаги политехника кўргазмаси учун биринчи бўлиб кичкина филателия экспозициясини тайёрлаганлар. Ўша вақтда сақланган маркалар коллекцияси 10 мингтага етар-етмас эди.

Ҳозир почта ҳақи белгилари Давлат коллекцияси 6 миллион почта маркаси, маркаланган конверт ва карточкадан иборат. Булар ўзоқ йиллар Россия империяси почта директори бўлган князь Безбородконинг собиқ «жавоҳир» омборида, ҳарорати доим 14—16 даражали 12 та пўлат сейфларда, ойналик шкафларда сақланмоқда...

Бутун дунё почта союзи ташкил қилинган 1874 йилдан бери ана шу союзга аъзо бўлган мамлакатлар ер юзининг ҳамма томонларида янги чиқарилган почта маркаларини мунтазам билиб борадиган бўлдилар. Ленинград музейига жаҳоннинг ҳамма чекка-ларидан сонсаноқсиз конверт ва марка бандероллари келиб туради. Бу янги маркалар тўққиз нусхадан олиниб, союз аъзолари бўлган мамлакат ва республикаларга юборилади.

А. АЛИЕВ.

Реклама ва эълонлар

А. АБДУРАҲМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1989 йилда техникумнинг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларига ўқишга кирувчилар учун
3 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

Қабул эълон қилади

— Тикувчилик ишлаб чиқариши технологияси, чарм маҳсулотлари технологияси, чарм технологияси, тикувчилик корхоналарининг асбоб-ускуналари, пойабзал, чарм ва мўйна саноат корхоналарининг ускуналари, трикотаж ишлаб чиқариш технологияси, кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш, пойабзалларни моделлаштириш ва чармга бадиий безак бериш, ип-йигирув ишлаб чиқариши, тўқувчилик ишлаб чиқариши.

Машғулотлар «Кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш», «пойабзални моделлаштириш ва чармга бадиий безак бериш» ихтисосликлари бўйича ўқишга кирувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда математика, она тили ва адабиёти, расм чизишдан ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга 8-10 ва 11-синф маълумотига эга бўлган кишилар, шунингдек, кундузги мактабларнинг 8—10 синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 мартдан бошланади.

«Кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш», «пойабзални моделлаштириш ва чармга бадиий безак бериш» ихтисосликлари бўйича тайёрлов курсида ўқувчилар 3 ой муддат учун — 20 сўм, бошқа ихтисосдагилар 3 ой муддат учун 15 сўм ҳақ тўлайдилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 26-уй, 5-хона, соат 16 дан 21.00 гача учрашилсин. Телефонлар: 33-36-21, 33-40-89.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг
50-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

Радиоаппаратуралар ва приборларнинг монтажчиси, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг токарь-оператори, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг фрезерчи-оператори.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ой.

ЎҚИШГА 10-СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ЎЗ ХИЗМАТ БУРЧИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ўқувчиларга ойига 75 сўм стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишга барча ҳунар-техника билим юртлари учун мавжуд бўлган умумий қоидалар асосида қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1989 йил 1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги аттестат (асли), яшаш жойидан, медицина (286-форма) справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳол.

ПАСПОРТ, ҲАРБИЙ БИЛЕТ ШАХСАН КУРСАТИЛАДИ.

Билим юрти адреси: Калинин райони, Усмон Юсупов кўчаси, (153, 448-автобусларнинг метронинг «С. Раҳимов» станциясидан боришда «Билим юрти» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ПАХТАЧИЛИК УЧУН МАШИНАЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ МАХСУС КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ
шартномалар асосида, банк орқали ҳақ тўлаган ҳолда қуйидаги ишларни бажариш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— Стандартлаш ва унификациялаш масалалари, маҳсулотларнинг сифатини бошқариш бўйича консультациялар бериш;
— корхона стандартларини ишлаб чиқиш;
— агротехника, энергетика, пишиқлик, узоқ вақтга чидашлик, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш билан бирга машина ва ускуналарни комплекс синовдан ўтказиш.

Синовларни ўтказиш учун ГСКБ дала базаси (полигон) ва барча зарур техника воситалари ва приборларга эга.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Ново-Ульяновск кўчаси, 210-уй (16, 21, 30-автобусларнинг «Шампан винолари заводи» бекати). Телефонлар: 67-68-00, 68-62-36 — стандартлаш масалалари бўйича; 68-63-13, 68-73-20 — машиналарни синаш масалалари бўйича.

ҚОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

КУЙБИШЕВ РАЙОН УЙ-ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
«СЕЗАМ» ТИПИДАГИ ҚУЛФЛИ-СЎЗЛАШУВ ҚУРИЛМАСИНИ СОТАДИ.

«Сезам» қулфли-сўзлашув қурилмаси икки томонлама телефон алоқаси ва масофадан туриб подъездлар эшигини очиш ҳамда турар жойлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг подъездларига бемалол кириш учун кодли қулфларни очиш имкониятини беради.

Бирлашма ҳузурида «Сирена» кооперативи мавжуд бўлиб, у давлат нархларида қулфли-сўзлашув қурилмаларини монтаж қилиш ва созлаш ишларини амалга оширади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 77-алоқа бўлими, Доғистон кўчаси, 56-уй. Телефонлар: 67-52-91, 67-53-06.

КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАИСЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ
кооперативларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари учун курслар ташкил этади.

Таълим программасида иқтисод, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва кредит билан таъминлаш, бухгалтерлик учёти, хўжалик фаолияти ҳисоботи ва анализи, нархлар ва нарх-наволарни белгилаш, товаршунослик, кооператив ва хўжалик ҳуқуқи, маъмурий-гражданлик ҳуқуқи, иш юритиш фанлари киради.

КУРСЛАРНИ ТАМОМЛАГАНЛАРГА ТЕГИШЛИ ГУВОҲНОМАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ОИД НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Справкалар учун телефонлар: 33-72-57, 33-21-57.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Республика пуллик консультация поликлиникаси базасида ташкил этилган
РЕСПУБЛИКА ЛАЗЕРЛИ АМБУЛАТОРИЯ ХИРУРГИЯСИ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ МЕДИЦИНА ЁРДАМИНИ

ҚУРСАТАДИ:

— Замонавий лазер техникасини қўллаган ҳолда косметик операцияларни ўтказиш (холлар, туғма пигмент доғлари, татуировка, сўгаллар, коллоид чандиқлар, ташқи бўртиқ ва бўртмаган шишларни олиш ташлаш);
— юмшоқ тўқималардаги йирингли-газак касалликларини хирургик ва лазер йўли билан даволаш (тропик яралар, чипқонлар, милкак, патос боғлаган жароҳатлар ва атером, яллиғланишлар, ёндан ўсган тирноқлар ва ҳоказо);
— қизил ўнгачнинг куйиши оқибатида чиққан касалликларни даволаш.

Лазер билан даволаш патологик йўл билан пайдо бўлган қусурли касалликларни оғриқсиз ва самарали йўқотиш, шунингдек аъло даражада косметик самарадорликка эришиш имконини беради.

Бу ерда беморларни улар учун энг қулай бўлган кунларнинг кечки вақтларида, ҳар куни юқори малакали хирурглар қабул қилишади. Қўлингизда йўлланма бўлиши шарт эмас.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй. Телефон: 44-59-78.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АЛОҲИДА ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг
МАРКАЗИЙ ЎҚУВ КОМБИНАТИ
ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА
ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРАДИ:

Газ пайвандчи (газ ёрдамида қирқувчи), **электр пайвандчи, электр-газ пайвандчи, барча типдаги кранларнинг машинисти, труба ётқизувчи слесарь, слесарь-сантехник, вентиляциячи слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, қурилиш слесари, монтажчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, труба ётқизувчи, шунингдек барча умумий қурилиш ва пардозлаш касбларидаги ишчилар.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ОЙДАН 6 ОЙГАЧА.

Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ўқишга қабул қилинганларга ойига 76 сўм стипендия тўланади.

КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЎҚИШГА ЮБОРИЛГАН КУРСАНТЛАРНИНГ ЎРТАЧА МАОШИ САҚЛАНАДИ.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАРКАЗИЙ ЎҚУВ КОМБИНАТИДА ЁТОҚХОНА МАВЖУД.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700100, Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 55-36-11, 55-43-55.

Реклама ва эълонлар

Хандалар

— Сенга турмушга чиқишдан аввал, фолбинга бориб, менга содиқмисан, йўқми, билиб келмоқчиман! — деди бўлажак келин.

— Дарров билиб келгин, бунга менинг ўзим ҳам қизиқаётган эдим, — дея жавоб қилди бўлажак куёв.

⊙

— Нима учун хонанда кўзларини юмиб куйлаяпти?

— Томошабинларнинг қийналаётганини кўришга тоқат қилолмаяпти!

⊙

— Алло, — деди трубкага Раҳимов. — Бу сенмисан, азизам?

— Йўқ, бу Раҳимова, сенинг хотинингман.

Фаёз ҒАФУРОВ тайёрлаган.

Проводник йигит дўстини учратиб, мақтанди:

— Аввалги ишимда умримни елга совуриб юрган эканманда. Шу ишга ўтгандан бери, неча йиллардан буён ёпилмаган қовурғамни ёпиб олдим.

⊙

Ҳажвчи ёзувчи ўзининг эллик ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган юбилей кечасида рафиқаси Хурсаноя аяга қараб, ҳазиломуз гап қотди:

— Сен Хурсанд, мен ҳафа, шундай қилиб элликка ҳам кириб қолибмиз-а, хотин!

Раҳима АБДУРАҲМОНОВА.

Машҳур жарроҳ дўстлари билан овқатланиб ўтирибди.

— Марҳамат қилиб, шу қўй гўштини кесиб юборсангиз, — илтимос қилади ундан уй бекаси.

— Жоним билан.

У қўлига пичоқ олиб, бир неча секунд гўштни кесади. Сўнгра ёнидан бинт олиб, уни ўраб-чирмар экан шундай дейди:

— Мана бўлди, энди бироз дам олсангиз, парвариш яхши бўлса, ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб кетасиз.

⊙

— Докторга тилингни кўрсат, — илтимос қилади она врач ҳузурига олиб келган ўғлидан. — Тез бўл, тилингни чиқар.

— Бажонидил,— хурсанд бўлади бола. — Уни калака қилсам ҳам бўладими!

Китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ

қуйидаги китоб магазинларида:

1-магазин — Пушкин кўчаси, Марказ-1, 6-корпус. Телефон: 33-37-27;

— **2-магазин** — Навоий кўчаси, 42-уй. Телефон: 42-24-68;

— **4-магазин** — Привокзал кўчаси, 12-уй. Телефон: 39-28-03;

— **11-магазин** — Горький кўчаси, 73-уй. Телефон: 68-53-48;

— **16-магазин** — Гагарин кўчаси, 66-уй. Телефон: 77-14-71;

— **23-магазин** — Фарҳод кўчаси, 58-уй. Телефон: 74-66-45;

— **32-магазин** — Бодомзор массиви, 8-уй. Телефон: 34-54-10;

— **37-магазин** — Юнусобод массиви, бозор. Телефон: 65-72-47;

— **45-магазин** — Б. Хмельницкий кўчаси, 83-уй. Телефон: 55-61-53.

Р. Бредберининг «ВИНО ИЗ ОДУВАНЧИКОВ», **Р. П. Уорреннинг** «ВСЯ КОРОЛЕВСКАЯ РАТЬ» **китоблари**

САВДОДА МАВЖУД

Китоблар макулатурага алмаштирилган талонларга кўра берилади.

Диққат! Диққат!

Ўзбекистон журналистлар Союзи Тошкент бўлими қошидаги

«Нур» кооперативи

мактаблар, билим юртлари, Олий ўқув юртлари, корхоналар ва маҳаллаларда

ҚУЙИДАГИ ПУЛЛИК КУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Арабча ёзиш ва ўқиш — 6 ойлик.

Шарқ тиллари (араб тили, форс тили, хитой тили, япон тили, ҳинд тили) — **2 йиллик.**

Европа тиллари (инглиз тили, француз тили, немис тили, испан тили) — **6 ойлик ва 2 йиллик.**

Рус тилини чуқур ўрганиш — 6 ойлик ва 1 йиллик.

ХОҲЛОВЧИЛАРНИНГ ЁШИ ВА МАЪЛУМОТИ ЧЕКЛАНМАЙДИ.

Битирувчиларга «Гувоҳнома» берилади.

Муражаат учун адрес: 700003. Тошкент шаҳри, 3-алоқа бўлими, Арпапоя кўчаси 9 «а» уй. Телефон: 45-36-45.

«Абитурент-89»

«Сигнал» кооперативи

СИЗЛАРНИ ҲОҲЛАГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНГИЗГА СИФАТ КАФОЛАТИ БЕРИБ ТАЙЁРЛАЙ ОЛАДИ

Бу ишда кооперативимиз тўла масъулиятни бўйнига олган ҳолда сизларни конкурс имтиҳонларини юқори баҳолар билан топширишингизга ва қолаверса киришингизга тўла кафолат беради.

Барча керакли маълумотларни қуйидаги адресларнинг биридан (ўзингизга яқинидан) **мурожаат этиб олишингиз мумкин.**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

1-қабул пункти: Глинка кўчаси, 11-уй, 1-хона (Пединститут яқинида жойлашган). Телефон: 55-07-72.

II-қабул пункти: Студентлар шаҳарчаси. Кинотеатр биноси, 1-қават, 8-хона. Телефон: 46-47-71.

Иккала пунктнинг ишлаш вақти ҳар куни соат 14.00 дан 20.00 гача. Дам олиш куни — душанба.

ТУРИСТИК ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ **СИЗЛАРНИ** «ТУРИСТ»

«ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК БАЗАСИГА

таклиф қилади

«ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК БАЗАСИ ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАЛАРИНИНГ ЖАНУБИ ШАРҚИЙ ЁНБАҒРИДА, ДЕНГИЗ САТҲИДАН 1500 МЕТР БАЛАНДЛИКДА, ЯНГИОБОД ШАҲРИДАН 3 КМ. ШИМОЛДА, КАТТАСОЙ ДАРЁСИ ВОҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН.

Туристлар 2-3-4 ўринли номерларга жойлашишади. Туристик базада дам олувчилар ҳордиқ чиқарадилар, сайрга чиқадилар, экскурсия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларида қатнашадилар.

Чотқол тоғ тизмалари ёнбағирларидаги ҳушманзара жойларга уюштириладиган саёҳатлар дам олувчиларда ўнутилмас таассуротлар қолдиради.

Туристик базада ресторан, ошхона, бар, чиройли жиҳозланган алоҳида зал, рақс майдончаси дам олувчилар хизматига бериб қўйилади.

ТУРИСТИК БАЗАГА ПУТЁВКАНИНГ ТЎЛА ҚИЙМАТИНИ ТЎЛАГАН ҲОЛДА 5 ЁШДАН КАТТА БОЛАЛАР ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЯНВАРЬ-ФЕВРАЛЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА ПУТЁВКА БАҲОСИ — **3 кун — 18 сўм.**

— 5 кун — 30 ва 41 сўм.

— 10 кун — 60 ва 82 сўм;

Овқатланиш, жойлашиш ва экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Путёвкалар харид қилиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 11-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69 «а» уй (метронинг «Пахтакор» станцияси).

Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўллаш маркази

Ўзбекистон ССР меҳнат ва социал таъминот давлат комитетининг

РЕСПУБЛИКА «ПРОТЕЗИСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнатни ташкил этиш ва уни нормаллаштириш инженери ёки экономисти пойабзал ишлаб чиқариши инженери ёки технологи, инженер протезчи, протезлаш бўйича инженер конструктор ёки мазкур ихтисосликка қайта малакалашишни хоҳлаган инженерлар,ортопед-протезчи врачлар ёки стоматолог врачлар, санитария врачлари (мазкур мутахассисликни эгаллашни хоҳлаган), ортопед-протезчи техниклар ёки мазкур мутахассисликни эгаллашни хоҳлаган ўрта медицина маълумотидаги кишилар, ревизор-бухгалтер, омбор мудири, диспетчер, тикувчилик ва пойабзал ускуналари ремонти бўйича слесарлар (6-разрядли), сантехник, асбобсоз, 5-6 разрядли колодкалар модельери, 3-4 разрядли токарь, 4-6 разрядли дурадгор, бўёқчи-сувақчи, қоровул, 5-6 разрядли протез-ортопедик буюмларни йиғувчи слесарь ёки мазкур мутахассисликни эгаллашни хоҳлаган слесарь, шорник-протезчи ихтисоси бўйича таълим олувчи шогирдлар.

Меҳнатга ҳақ амалдаги лавозим маошлари ва ишбай тарзида тўланади.

Барча инженер-техник ходимлар, врачлар, хизматчилар, ишчиларга амалдаги қондаларга кўра ҳар кварталда ёки ҳар ойда мукофот пули, шунингдек йил якунига кўра 13-маош тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй; Карл Маркс кўчаси, 59-уй; М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

Боланинг жовдираган кўзлари

КЎШНИМ хомуш бўлиб балконда турарди. Мени кўриб, бош ирғаб салом берди: «Уйдамисиз? Бирпас ёнингизга чиқиб, гаплашадиган гапим бор эди», — деди. Менинг бўшлигимни эшитиб, эшикдан кириб келди:

— Укам билан Санобархон бир-бирини обдан синаб, севиб турмуш қуришди, — сўлғин «уф» тортиб узатган чойимни бир хўплаб, гап бошлади у. — Келиним институтни битирганда пойтахтдаги техникумлардан бирига ишга юборилган экан, гўё ўтгач, ота-оналар, қайнана-қайнаталар ўзаро келишишиб ёшларнинг бири у ёқда бири бу ёқда бўлмаслиги учун йигит ва қизни техникум дирекциясига келиб, уларни ўз юртимиз — Андижонга кўчириб кетишмоқчи бўлишибди, укам ота-онам билан ўша ёқда яшашарди, укам ишларди-да. Андижонда ўзаро келишган қудалар, Тошкентга келиб, техникум директорининг олдига кириб, техникумнинг савдо техникуми эканлигини билишгач, келинимнинг отаси: «Менинг қизимни давлат шу ерга жўнатибдими, шу ерда ишлайди, эри орқасидан келсин, икки йил муддати тугагач, кетаверишади», дебди. Бу гапдан дадамлар қанчалик жаҳллари чиқса ҳам, қудаларининг гапини ташламай, майли, турмуш экан, деб қайтиб кетибдилар ва кеча уйланган, чилласи чиқмаган куёвни келинга қўшиб, икки йил ишлаш учун Тошкентга юбордилар. У ёқда чол-кампир, ўз кунлари ўзларига бўлиб қолди, чунки уларнинг суянгани шу укам бўлиб, қолган қизлар турмушга чиқиб кетишган, кичик укам ҳали ўқувчи эди.

Орадан бир йил ўтиб-ўтмай, укам ҳали фарзанд кўрмай, урушда кўрган-кечирганларининг таъсиримми, дадамлар тўсатдан вафот этдилар. Бу хабарни эшитиб, укам боргунча, уларни маҳалла-кўй, қуёвлари дафн этиб бўлганди. Ота тобутига елка тутмай, қабрига бир кафт тупроқ ташлолмай қолганининг армони укамнинг ичида қолди. Икки йил ўтди, укам ўғилли бўлди. Муддати тугагач, келинимга «Уйга қайтайлик, қачонгача ётоқхонада кун кўрамиз, онам ҳам ёлғиз қолдилар», деса, келиним «Тўхтанг, бу ернинг тушуми зўр, мана, ўзингиз ҳам мактабдагидан икки баравар кўп ойлик оляпсиз, мен ҳар бир контроль иш, курс ишидан фалон пулдан топиб турибман, у ерга боргач, буларни ким беради», деб кетишга унамапти.

Ойдай яшаб турган ёшларнинг орасига шундан кейин раҳна тушди. Укам, йигит эмасми, ҳайҳотдай ҳовлида мунғайиб қолган онамиздан кўнгил узолмайди, уларнинг ҳам қон босимлари муттасил ошиб туради, кўнгли нотинч, биз қизлар бўлсак, борсак узоғи билан бир ҳафта-ўн кун ёнларида бўламиз.

Укамнинг «кетайлик» деган гапига келин «Кетсангиз, йўл очиқ, мен бу ердаги шунча мол-дунёни ташлаб, қайси районнинг базасини беришаркин деб юраманми, бормайман», деб терс гапирадиган бўлди. Шунча йил яхши гапириб, йўлга сололмаган укам, ёмон гапириб, уриш-жанжал ҳам чиқарди, қайнана-қайнатасини, бизни ўртага солди.

— Ўртада битта бола бор, боласини яхши кўради. Хотин керак бўлса, Тошкентда яшайди. Менинг қизим қишлоқда яшайман деб аъло баҳолар билан институтда беш йил ўқимаган, — деган жавобни берди қайната.

— Бўлмайдиган кўринади, боланинг сонини кўпайтирмай, ўйнабкулиб қол, сени ҳали уйланмаган йигитлар олади, — «йўл» кўрсатди қайнана. Ота-онаси ҳам бир хонали ётоқхонанинг доимий аъзолари бўлиб, ҳафтасига келиб туриб, хотини бўйида бўлганда ҳомиласини устма-уст олдиравергач, укам ҳам «Бор-э, битта боламни ҳар қанақасига боқиб оламан, эр, бола керак бўлса ишдан бўшаб, орқамдан борасан», — дея ишдан бўшаб, ўғилини олиб Андижонга кетиб қолди. Ўша жойда ишга кирди. Бу орада онамиз ҳам бир ҳафта қаттиқ ётиб, оламдан кўз юмдилар. Лекин келин бормади. Орадан кеч қанча вақт ўтмай, ота-онасини, акаларини олиб бориб, маҳалла комитети раислари ининг «ҳай-ҳай»лаб яраштирмоқчи бўлганларига ҳам қарамай, уйдаги бор-йўқ мол-дунёни машинага ортиб кетипти. Укам шўрлик қуруқ уйда, шўппайиб қолаверипти.

Ана-мана деб суд ҳам бўлди, улар ажралдилар. Ўғлини қонун онасига «ҳукм» қилди. Бир йилдан кейин укам уйланди, ҳозир учта ўғли бор. Санобар ҳам топганини онаси орқали бозорда пуллаб, йиғиб-териб, кооператив уй олди. Уйга онасини кўчириб келди. Она қиз билан Тошкентда, ота бошқа болалар билан Андижонда, лекин бир оёғи Тошкентда, азали савдогар эди, савдогарлигини қилиб юрибди. Онаси айтгандай, Санобар ҳам уйланмаган йигитга — ўзининг қўлида ўқиган бир собиқ студентига турмушга чиқди. Пешонасидаги битта боласи — шу, менинг укамнинг ўғли Рустам. Кооператив уйлари бизнинг уйга яқинроқ шекилли, саккиз ёшли бола, ўтган йилдан буён бир неча марта уйидан қочиб, бизникига келди. Орқасидан онаси қидириб келиб, ерларга судраб додлатиб, олиб кетади. У яна келаверади. Охири, кузда келганда ичим ҳар қанча ачиса ҳам, иккинчи келма, деб уришдим. Кўриб турибсиз, йўл ёмон, бизникига иккита автобус алмашиб келаркан, ҳаммаёқ машина, худо кўрсатмасин, бирор фалокат бўлса, балонинг тагида қолиб кетаман.

Укам ҳар каникул пайтида ўғлини олиб кетади, мактаб бошланганда қайтиб олиб келиб қўяди. Мана, кеча яна келипти Рустам. Куннинг совуғини қаранг, қор учқунлаб турипти, бола бош яланг, шарфини қулоғига чиқариб ўраб олган, юпун кийинган, эшикни қитирлатиб (қўнғироққа бўйи етмайди), елкасини қисиб турипти, музлаб кетипти. Уйга олиб кириб, чой-пой ичириб, исинтириб, ким билан келдинг, ростини айт, десам, шу муштумдай бола: «Амма, яна қочиб келдим. Нима қилай, шанба куни сизларникига келиб, сизларни кўргим, акаларим билан ўйнагим келади. Аммамникига борай десам, аям, пиширяпти қўйиптими аммангникида, деб юбормайди. Ҳаммаси мени уради», — дейди кўз ёшларини оқизиб. Иссиғи чиқиб, «қувқув» йўталиб турган шу болагинанинг нима гуноҳи бор эдики, катталарнинг қилган хатоси учун шунчалар жовдираб, дилдираб аммасини паноҳ тортиб келмаса?! Аммажон, бошим оғрияпти, дейди нуқул. Нега бош яланг юрасан, десам, дадам олиб берган телпакни аннам (бувиси) шкафнинг тепасига ташлаб қўйди. Аям Ҳикмат (кейинги эри) билан душанба куни уларникига кетган, ҳалиям келгани йўқ. Ҳикматни сингли сиям, аямни сингли сиям, аннамам бизникида, аннам дадамни ёмонлаганди, сизлар ҳадеб бизларникига келавермасаларинг, дадам кетиб қолмасдилар десам, мени роса уришди, дадангни бировлар уриб, сувга чўктириб юборибди, дейишди. Амма, ростми, дадамни чўктириб юборишдими? — деди у юм-юм йиғлаб. Унга қўшилиб йиғлар эканман, кўзларини катта-катта очиб, «ростини айтинг» — деб турган шу мурғак қалбнинг саволига, гапларига лол қолдим, отаси ҳақида бўҳтон гапларни гапирган, кап-катта аёлларнинг гапига нафратим келди. Нима кераги бор боланинг нозик дилини шикастлаб, шундай ҳам яримта кўнглини яна тилкалашнинг?! Ажраган бўлса ота-онаси ажратган, бу норастанинг гуноҳи нима? Отасини ҳам, онасини ҳам бир хилда яхши кўрганими? Ўгай отасига: «Сиз бизникига келмасангиз, бизни дадам ташлаб кетмасди», деган гапи учун еган калтаклари-чи? Унинг гапи тўғри эмасми? Агар «аннаси-ю, опоғ дадаси» эр-хотиннинг орасига камроқ тушиб, қизларнинг пул, мол-дунё топишини турмушидан юқори қўйишмаганда, улар, севиб турмуш қурган ёшлар ажрашармиди? Ўртада битта бола сарсон бўлиб қолармиди? Яна қизнинг уйига кўчиб келиб олган она қизининг пешонасида шу биргина боласи эканлигини, шунча вақтдан буён нима учун иккинчи эридан фарзанд кўрмаётганини, ёшларнинг орасида ўзи нима қилиб юрганини бир ўйлаб кўрса бўлармиди?

— Мен ўғлимни қўшиб, эртаси куни кечга томон Рустамни уйларига жўнатдим, — кўз ёшларини артиб давом этди қўшним, — онасига айтгин, Рустамни Янги йил каникулида бизникига юборсин, деб тайинладим. Ўғлим борса, Санобарлар келишмаган экан. У Рустамни подъезддан киритиб юбориб, ўзи йўлдаги бозорчадан мен айтган нарсаларни харид қилишга қолипти.

Бир пайт эшик тақиллаяпти. Очсам — Рустам. Бир гап айтмасимдан бағримга ташланиб, «Аммажон, улар мени уради, барибир, мени уришади ҳаммаси, каникулимга уч кун қолди-ку, мен сизнинг уйингизда қола қолай?» деб зор йиғлаб турипти. Қизим ундан бадтар йиғлаб, «Ая, кеча кечқурун келишди-ку, холаси билан ўгай аммаси, сиз «эртага олиб борамиз» деганингиздан кейин, мен кузатгани чиқиб, ишқилиб, урмайсизларми, десам, шошмай турсин, уриб оёққинасини синдирамиз, иккинчи бу томонларга келмайдиган бўлади, деб кетишди. Жон ая, юборманг, ахир уйда онаси ҳам йўқ эканку? деб ялинади.

Мана, Рустам уйда, иссиғи баланд, лекин бизникида қолганидан шод. Гапираётган гапларига, бераётган саволларига қулоқ солиб, шу гапларни шу муштумдай бола гапираётганига ишонгим келмайди. Ҳаётда бевақт келган азоб, ташвишлар болани ҳам вақтидан олдин улғайтириб қўяр экан-да. Энди нима қилсам экан, деб бошим қотиб турипти. Гапини қаранг, «Барибир, улар мени уради» дейди-я, — дея кўз ёшидан бўғриққан юзини яна қўллари билан яширди у. Мен нима дейишимни билмай, унга таскин учун гап тополмай, лол қолдим. Ичкаридан эса Рустамнинг синиққан овози келди:

— Аммажон, улар мени уради...

Қўшнининг гапини оққа қўчирувчи:

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Ўзбекистон ССР аргросаноат Давлат комитети республика ўқув-методик кабинетининг катта редактори.

Тошкентлик «морж»лар

Репортаж

Тунда ҳаво очиқ келиб, аёз борлиққа совуқ пуркаб чиқди. Эрталабга яқин бироз ҳовуридан тушган бўлса-да, изғирин ҳамон этни чимчилар, жунжиктирарди. Бундай пайтда, очиғи кўпчилигимиз очиқ ҳавога чиқиб бадантарбия қилишга ҳам эринамиз. Ўрда яқинидаги «Моржлар» клубида эса тонг саҳардан ҳаёт қайнайди.

Анҳор ёқалаб бораяпмиз. Атрофи дарахтлар билан қуршалган майдончада волейбол, стол тенниси ўйнаётган, йўлак бўйлаб югураётган одамларни учратдик. Павильон ҳовлисида эса спорт кийимидаги бир неча киши гимнастика қилаяпти. Рўпарадаги доскада клуб ҳаётидан фотосуратлар, ҳаво ва сув ҳарорати, шунингдек турли нагрузкаларда чўмилиш вақти акс этган диаграммалар кўзга ташланади.

Ечиниш хонасида кўринишидан олтмиш ёшлар чамасидаги кишини суҳбатга тортдик.

— Мен Дауд Харасов бўламан, — дея ўзини таништирди у. — Клубга қатнашаётганимга 10 йилдан ошди. Қаттиқ чарчоқ, қон босими ва асаб касалидан қийналардим. Дастлабки уч йил бирор ўзгариш сезилмади. Пенсияга чиққач, ҳар куни келадиган бўлдим. Шундан кейин саломатлигим тикланиб кетди.

— Ҳозир ташқарида 5 даража совуқ. Шундай пайтда чўмилсангиз, шамоллаб қолмайсизми?

— Тўғри, баъзан шамоллаб ҳам тураман, лекин тез ва енгил ўтиб кетади. Чўмилишдан олдин доим икки километрдан ортиқ югуриб ўзимни тайёрлайман. Баданим қизигач, сувга эҳтиёж сезила бошлайди. 2-3 минут чўмилиб чиқаман-да, бадминтон ёки волейбол ўйнайман.

— Бизни сув, тоза ҳаво ва спорт чиниқтираяпти, — суҳбатга қўшилди Юрий Алаев. — Мен Юнус Ражабий номидаги республика музика билим юртида ишлайман. Клубдаги соғлом муҳит, турли соҳа кишилари билан мулоқот ва баҳслар доимо ўзига тортиб туради.

— Яқинда «морж»лар куни ўтказилди, — деди ҳозиргина хонага кириб келган. И. Иномов — Биласизми, денгиз шоҳи ва сув парисининг чиқишлари байрамга алоҳида руҳ бағишлаб турди. Ҳамма завқ-шавққа тўлиб, роса яйради. Бу ердаги ҳаётимиз қанчалик мазмунли ўтаётганини шундан ҳам билиб олсангиз бўлади.

Табиат ўз мўъжизалари билан доимо лол қолдириб келган. У инсонни яратди, унга кучқудрат бағишлади. Ташқари совуқ, ҳаво изиллаб турибди. Бир неча киши эса баданларига қор ишқалаганча сувга тушиб, сузиб кетишди. Улар орасида танишимиз Д. Харасов ҳам бор эди.

— Сув қалай экан? — сўраймиз, ундан.

— Аъзза, жоннинг роҳати... Надежда Степановна, қани тушмайсизми? — у енимизда чўмилиш кийимида турган кекса аёлни чақира бошлади.

Сув ёрдамида юрак ва асаб касалликларидан халос бўлган Надежда Сидорова завқ билан қўлини силкитиб деди:

— Кетаяпман...

Ҳозирги кунда «Моржлар» клубининг 500 га яқин аъзоси бор. Ёз фаслида улар сони икки-уч баравар кўпаяди. Сувда чиниқиб, соғлиғини тиклаш учун келаётганларга барча шароитлар яратилган. Улар вақтида врач назоратидан ўтишади. Спорт майдончасида волейбол, бадминтон, стол тенниси ўйнаш мумкин. Бундан ташқари, аэробика ва «Саломатлик» группалари ишлаб турибди.

— Клуб аъзолари ўртасида қизиқарли спорт ўйинлари ҳам ташкил этаяпмиз, — деди клуб методисти А. Назипова. — Яқин кунларда «Чимён» тоғига саёҳат уюштирилади.

Тошкент «морж»лари!.. Павильондан узоқлашар эканман, анча жойгача уларнинг спорт майдончасидаги шодон овози эшитилиб турди. Қачон шивалаб қор ёғса, совуқ авжига чиқса анҳорда чўмилаётган ана шу иродали кишилар кўз олдимга келади.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ.



СУРАТЛАРДА: «Моржлар» клуби аъзоларининг ҳаётидан павҳалар.

Р. Шарипов фотолари.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси

1989 йил январь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«Қонундаги ўғрилар»

Ф. ИСКАНДЕР ҳикоялари асосида суратга олинган. Сценарий муаллифи ва режиссёр — Ю. КАРА.

Ролларда: В. Гафт, Б. Шчербаков, А. Самохин ва бошқалар.

Фильм воқеалари турғунлик даврида Абхазиядаги маҳаллий мафия ҳукмронлиги остида бўлган шаҳарда содир бўлади. Ўз ҳаракатларида сотиб олиш, иғво қўғаш ва қотилликдан ҳам қайтмайдиган икки жиноятчи уруҳлар ўртасидаги тарафбозлик картина марказида ётади.

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«Тезюрар поезд»

Сценарий муаллифи — Е. ЛАСКАРЕВА.

Режиссёр — Б. Яшин.

Ролларда: — Е. МАЙОРОВА, А. САФРОНОВ Ж. ПИВОВАРОВ ва бошқалар.

Фильм бош қаҳрамони — вагон-ресторан официанти Ольга Коренева кичкина ўғли ҳақида ,гамхўрлик билан яшайди ва ўз мурғак оиласи бахтини қандай воситалар билан яратаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Анан ана шу ўғилнинг онадан бегоналашиб кетишига сабаб бўлади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/I да **Отелло,** 20/I да **Дунёнинг яратилиши,** 21/I да **Хива ордени.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Ҳазрати аёл,** 20/I да **Истамбул фожиаси,** 21/I да **Келинпар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да **Тоҳир ва Зуҳра,** 20/I да **Хотинимнинг эри,** 21/I да **Ака-ука совчилар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Алвидо, ҳаёт,** 20/I да **Отасининг қизи,** 21/I да **Зиёфат** (премьера, 19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Психологик тажрибалар** (19.30).

Кино

19 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.30, 20.45).

Москва — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (20.40); «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (17, 19.00).

Дружба — «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (20, 20.30); «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (17, 18.00).

Чайка — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.30, 21.00).

Нукус — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (17, 19.15, 21.30).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (Телефон 53-65-87) — «АЖДАҲОНИ ЎЛДИРИНГ» (18.30).

Ватан — «ТУРТ ОҒАЙНИ» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОВАТ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Лисунов номли — «ЗОРРОНИНГ КАТТА САРГУЗАШТИ» (тоқ соатларда).

Восток — «УЧ МУШКЕТЁР СИНГАРИ» (18.30, 21.00).

Қозоғистон — «ТУРТ ОҒАЙНИ» (18,21.00); «УЧ МУШКЕТЁР СИНГАРИ» (17, 20.00).

Искра — «МУРТАД» (17, 19, 21.00).

20, 21, 22 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (13, 20.40); «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (11, 15.20, 17, 19.00).

Дружба — «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (11, 12, 13, 20, 20.30); «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (14.15, 15, 17, 18.00).

Чайка — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (16, 18.30, 21.00); «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (10.45, 12.30, 14.15).

Нукус — «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (10.45, 12.15); «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (14.30, 17, 19.15, 21.30).

ЎзССР 25 йиллиги (Телефон 53-65-87) «АЖДАҲОНИ ЎЛДИРИНГ» (13.30, 16, 18.30)

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» (12, 16, 20.00).

Ватан — «УЧ МУШКЕТЁР СИНГАРИ» (11, 1330); «ТУРТ ОҒАЙНИ» (16, 18.30 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОВАТ» (жуфт соатларда ва 21.30да).

Лисунов номли - «ЗОРРОНИНГ КАТТА САҒУЗАШТИ» (тоқ соатларда).

Восток — «УЧ МУШКЕТЁР СИНГАРИ» (11, 13.30 16, 18.30, 21.00).

Қозоғистон — «ТРТ ОҒАЙНИ» (12, 15, 18, 1.00); «УЧ МУШКЕТЁР СИНГАРИ» (11, 14, 20.00).

Искра — «МУРТАД» (11, 13, 16, 17, 19, 21.00).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

К. Ёрматов номли— 24-22-66.

С. Раҳимов номли — 48-46-71.

Ўзбекистон ССР 5 йиллиги номли — 53-98-50.

Нукус — 46-70-69.

Ҳамза номли — 5-10-51.

М. Шайхзода номли — 42-39-74.

Кинотомошабинларга кино хизмати кўрсатиш маданиятини яхшилаш, юксалтириш билан боғлиқ таклиф ва истаклар юзасидан Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ош маданият бошқармасига 33-37-11 телефони орқали қўғироқ қилинсин.

Тошкент давлат ет тиллар педагогика институти коллективи сиёсий иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчиси

Йўлдош Уринбоевич ХОЛИҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон маданият ёдгорликларини тамирлаш институти коллективи архитектор С. Ворисига онаси

Ҳамида АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент бош унвермаги коллективи кадрла бўйича директор Ўринбосари М. Р. Рашидова онаси

Санобар ҚОДИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Металлобитремог» Тошкент бош корхонаси коллективи план бўлими бошлиғи С. Нурмуҳаммадова онаси

Ҳожиниса СОЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади. Тиражи — 15.000.

Р. — 07535. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. — 2017. Индекс 64690.